БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГЛАР!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 188 (7635)
12 АВГУСТ
ШАНБА
1950 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 тийин.

БУГУНГИ СОНДА:

Совет Иттифоқи халқлари тинчлик учун курашучиларнинг биринчи сафларида бормоқдалар (1-нчи бет).

Партия маорифи шохобчаларида ўқув йилига тайёрликни кучайтирайлик (2-нчи бет).

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ: **О. Файзуллаев.** — Қониқарсиз бир таржима ҳақида (2-нчи бет).

Пахта пунктларини мавсумга намунали тайёрлайлик (2-нчи бет).

Ғўза парваришини пахта йиғим-теримига тайёргарлик блан боғлаб олиб борайлик! (3-нчи бет).

КИНО: **Аҳмад Исмоилов.** — «Хитой қизлари» (3-нчи бет).

Хавфсизлик Советининг 10 августдаги мажлиси (4-нчи бет).

Қуриядаги воқиалар (4-нчи бет).

Японияда полициянинг ўзбошимчалиги тўхтатилсин (4-нчи бет).

Ғўза парваришини давом этдириш блан пахта йиғим-теримига большевикча тайёрланайлик

Республикамиз далаларида мўл пахта ҳосили етилмоқда. Пахтакорларимизнинг йил бўйи қилган фидокорона меҳнати туфайли барча пахта майдонларида ҳарқачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштирилаётгани ҳаммани бехад қувонтираётир. Ўзбек халқи сталинча тўртинчи бешйилликнинг охирги ҳал қилучи йилида пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун бошланган умумхалқ курашида пахтакорларимизнинг ғолиб чиқишига, жонажон Ватанга мўл пахта етказиб бериб, партиямиз, ҳукуматимиз ва доҳимиз улуғ Сталинга берилган ва'дани шараф блан бажаришларига тўла ишонади.

СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитети «1950 йилда ҳосилни йиғиштириб олиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш тўғрисида» деб чиқарган қарорида мамлакатимизнинг пахта экучи районларидаги партия, совет ташкилотлари олдига пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун зарур бўлган барча тадбирларни тўла-тўкис амалга ошириш, шу блан бирга пахта йиғим-теримига намунали тайёрланиб, ҳосилни ўз вақтида юқори сифатли қилиб давлатга топшириш вазифасини қўйди. Партия ва ҳукуматимизнинг бу қарори республикамиздаги партия, совет ташкилотлари, тайёрлаш органлари ва барча пахтакорларимиздан шу кечакундузда ғўзанинг сўнгги парваришини тинмай давом этдириш, айниқса яхши ҳосил олмаган ғўзаларни алоҳида парвариш қилиб, ҳамма ерда мўл ҳосил етиштиришни ва пахта йиғим-теримига пухта тайёргарлик кўришни талаб этади.

Республикамизнинг пахтакорлари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг Мактубига жавобан стахановча тинчлик вахтасида туриб, август ойида ҳосилга ҳосил қўшиш учун зўр бериб курашмоқдалар. Фарғона районидаги илғор «Ёш ленинчи» колхозининг а'золари шу вақтгача барча ердаги ғўзани 5 чопиқ, 6 культивация қилдилар. Колхоз а'золари партия, ҳукуматнинг Мактубига жавобан август ойида ғўзани яна икки марта парвариш қилишга аҳд қилиб, қўшимча ишчи кучи ва от культиваторлари ажратдилар. Ҳозир колхознинг ҳамма бригада ва звеносида ғўза парвариши қизғин давом этиш блан бирга пахта йиғим-теримига ҳам ҳартарафлама тайёргарлик кўрилаётир. Қашқадарё область, Шаҳрисабз МТСининг универсалчиси ўртоқ Пўлатов мавсум бошидан буён 1600 гектардан ортиқ ердаги ғўзани культивация қилиб, топшириқни икки ҳиссса ошириб бажарди. У, август ойи ичида яна 200 гектар ғўзани культивация қилиш учун курашаётир. Тошкент қишлоқ район, Эркин қишлоқ советидаги Навоий номли, Сталин номли колхозлар бирлашиб, 545 гектар ердан 40 центнердан пахта ҳосили етиштириш ҳақида янги мажбурият олдилар. Бу колхознинг а'золари шу кунларда ғўза парваришини тобора кучайтирмоқдалар. Улар айниқса яхши ҳосил олмаган ғўзаларни табақалаб парвариш қилишга жиддий э'тибор бераётирлар.

Илғорлар ғўзани то ҳосил етилгунча парвариш қилиш учун барча тадбирларни амалга оширмоқдалар. Тажрибакор тракторчилар ҳатто ўсиқ ғўзаларни ҳам трактор тўсиқ ўрнатиб, бемалол культивация қилмоқдалар. Аммо кўпгина район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари, колхоз раислари, совхоз ва МТС директорлари «энди ғўза ўсиб кетди, уни парвариш қилмаса ҳам ҳосил етилаверади» деган нотўғри қайғиятга берилиб, ғўза парваришини тўхтатиб қўймоқдалар. Бундай аҳволни айниқса Самарқанд, Хоразм, Бухоро области ва Қорақалпоғистон АССР колхозларида кўплаб учратиш мумкин. Самарқанд областида августнинг биринчи бешкунлиги учун белгиланган чопиқ графиги фақат 65 процент бажарилган. Бу областьнинг Иштихон районида июль ойининг охирги бешкунлигига қараганда августнинг биринчи бешкунлигида 2.000 гектар ғўза кам культивация қилинган. Хоразм областининг Урганч районидаги «Қизил аскар» колхозининг раиси ўртоқ Ваисчонов чопиқ культивацияни тўхтатиб, ғўзани фақат суғориш ҳақида буйруқ берган. Бухоро областининг Вобкент, Ромитон, Қоракўл, Когон районларидаги бирқанча колхозларда сўнгги кунларда чопиқ, культивация тўхтатиб қўйилди. Шунингдек, Фарғона, Андижон ва бошқа об ластьларда ҳашаротга қарши кескин кураш олиб борилмаётир.

Мана бу аҳволлар айрим маҳаллий партия, совет ташкилотлари раҳбарларининг ҳосил учун курашни бўшаштиришга қарши тегишли чора ва тадбирларни кўрмай, хотиржамликка тушиб қолганликларини, ғўзанинг кўкига қараб ўринсиз мағрурланаётганликларини кўрсатади.

Вазифа — колхоз, совхоз ва МТСлардаги барча куч ва имкониятларни тўла сафарбар қилиб, ғўзани чопиқ, культивация қилишни то ҳосил етилгунча тўхтовсиз давом этдириш, чекканкани қисқа муддатда тугаллаш, ғўзанинг аҳволига қараб суғоришни тўғри ўтказиш, захкаш ерларда зовурлар ва каллекторларни қазиш йўли блан сизот сувларини қочириб, пахтани тезроқ очилтириш тадбирларини кўришдан иборатдир.

Бу йил республикамизнинг колхоз ва совхозларида ҳосил эрта етилаётир. Бу эса, пахта йиғим-теримини барвақт бошлаб юбориш имкониятини беради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳукумати ва партия Марказий Комитети пахтакорларга қарата ёзган Мактубида, август ойининг охири ва сентябрь ойининг биринчи кунларида пахтани ёппасига терабошлаш ва 1950 йил пахта топшириш планининг камида 40 процентини сентябрь ойида бажариш вазифасини қўйди.

Йиғим-терим пахтачиликнинг энг асосий ишларидан ҳисобланади. Бу иш жуда кўп меҳнат сарф этишни барча куч ва имкониятлардан тўла фойдаланишни, большевикча тайёргарлик кўришни талаб этади. Айниқса, ҳосил тез етилаётган бу йилги шароитда пахта йиғим-теримига қолган қисқа вақт ичида зўр уюшқоқлик ва эпчиллик блан ҳосирланиш лозим.

СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг 1950 йилги ҳосилни йиғиштириб олиш тўғрисидаги қарорида колхоз ва совхозларда 15 августгача хирмон жойларини тайёрлаш, омборларни ремонт қилиш, тош-тарозиларни тайёрлаш каби ишларни тугаллаш вазифаси кўрсатилган. Партия, ҳукуматнинг қарорига мувофиқ колхоз ва совхозларда машина блан терилади ган пахта майдонларини ўз вақтида ажратиб тайёрлаб қўйиш, ғўзанинг баргини суньий равишда тўкиш, пахта терадиган машиналарда ишловчи кадрларни ҳозирлаш, шунингдек, барча тайёрлаш пунктлари ва пахта тозалаш заводларини 15 августгача батамом ремонтдан чиқариш керак. Пахта йиғим-терими муваффақиятли ўтиши ана шу муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган ишларнинг ўз вақтида тўла-тўкис бажарилишига боғликдир.

Шунинг учун энг аввал, тайёрлаш пунктлари ва пахта заводлари дастлабки ҳосилни қабул қилиб олишга ҳартарафлама тайёр бўлсинлар. Колхозларнинг дала йўлларини ва тайёрлаш пунктларининг катта йўлларини ремонт қилиш қишлоқ советларининг муҳим вазифасидир. Колхозлардаги аравалар, автомашиналар, пахта йиғим-терими олдидан ремонт қилиниб, тахт қилиб қўйилиши лозим. Пахта ташишда ишлатиладиган отлар алоҳида парвариш қилинсин. Колхоз ва совхозларда барча теримчилар учун етарли миқдорда кўп хоналик этаклар тайёрлансин. Бригада, звеноларда хирмон жойлари тайёрланиб, яхшилаб суваб қўйилиши лозим.

Колхоз ва совхозларнинг теримчиларига пахтани сортларга ажратиб териш қоидаларини яхшилаб тушунтириш, тайёрлаш органларининг ходимлари ва агрономларнинг муҳим вазифаларидандир. Партия, совет ва комсомол ташкилотлари пахта йиғим-теримига тайёрлик кўриш ва уни муваффақиятли ўтказишда социалистик мусобақани кучайтиришга бошчилик қилишлари, дала шийпонларини намунали ташкил этиб, уни оммавий-сиёсий ишларнинг марказига айлантиришлари, пахтакорлар ўртасида олиб бориладиган сиёсий тушунтириш ишлари бевосита далага кўчирилиши лозим.

Пахта йиғим-теримига намунали тайёрланиш республикамиздаги барча партия, совет, хўжалик, савдо, маданий-оқартув, ва бошқа ташкилотларнинг ҳам асосий вазифаларидан ҳисобланади. Партия ташкилотлари йиғим-теримга тайёргарлик ишларига большевикча раҳбарлик қилишлари керак.

Август ойи ичида ғўзани тинмай парваришлаб қилиб, ҳосилга ҳосил қўшиш блан, пахта йиғим-теримига большевикча тайёрланайлик.

Андижон, Фарғона ва Бухоро областьларининг колхозлари ғалла топшириш планларини бажардилар

Андижон областининг колхозлари ва колхозчилари ўз устларига олган социалистик мажбуриятларини бажариш учун курашиб, давлатга ғалла топшириш планларини (шолидан ташқари) 10 августда муддатидан илгари 104 процент бажардилар. Бу йил ғалла топшириш плани ўтган йилгига қараганда ўн кун олдин тамомланди.

Давлатга ғалла топшириш давом этмоқда.

☆

Фарғона областининг колхозлари давлатга ғалла топшириш планини муддатидан олдин бажариш учун курашиб, ўз зиммаларига катта социалистик мажбурият олган эдилар. Область колхозчилари бу мажбуриятни шараф блан бажариб, 10 августда давлатга ғалла топшириш планини (шолидан ташқари) 103,8 процент бажардилар.

Қўқон районининг колхозлари ғалла топшириш планини 103,9 процент, Охунбобоев районининг колхозлари 103,6 процент бажардилар.

Область колхозлари давлатга ғалла топширишни давом этдирмоқдалар.

☆

Бухоро областининг ғаллакорлари давлат планини муддатидан олдин бажаришга сўз берган эдилар. Улар ўзларининг бу сўзларини амалда бажардилар. Область колхозлари ғалла топшириш планини муддатидан ўн кун олдин 103,1 процент бажардилар.

Давлатга дон топшириш давом этмоқда.

Совет Иттифоқи халқлари тинчлик учун курашучиларнинг биринчи сафларида бормоқдалар

☆

Ижодий меҳнат илҳоми

Стокгольм Мурожаатига қўйилган миллионларча имзолар қаторида Тошкентдаги электрлампалари заводи ишчилари ва инженер-техник ходимларининг ҳам имзоси бор. Корхонанинг ходимлари янги уруш оловини ёқучи агрессорларнинг қора ниятларини пучга чиқариш учун бутун дунёда тинчликнинг байроқдори бўлган Социалистик Ватанимизнинг қудратини янада мустаҳкамлаш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Заводда, стахановча тинчлик вахтасида туриб ишлаш кунларида йиғув цехининг ишчилари олдинги ўринни эгалладилар. Улар маҳсулот сифатини яхшилаб, меҳнат методини такомиллаштириб, ижодий ташаббус кўрсатмоқдалар. Мавжуд хомаш'ёдан 70 процентгача етказиб лампа тайёрлаш ҳозиргача энг юқори кўрсаткич ҳисобланар эди. Мастер ўртоқ Нина Волохинина тайёрлашнинг янги технологиясини таклиф қилди, натижада маҳсулот ишлаб чиқариш яна 10 процент кўпайди.

Кўпгина стахановчи тинчлик вахтасида новаторлик намуналарини кўрсатди. Монтажчи Тамара Глазунова детальларни тайёрлаш ва монтаж қилиш каби икки вазифани бажаришга киришди. Илгари икки мутахассис станокчи бажарадиган бу вазифани ўртоқ Глазунова якка ўзи ҳар сменада ортиғи блан бажармоқда. Настройшик Владимир Чертков станокларни бошқариш вақтини икки марта қисқартириб, ўзининг асосий ишидан ташқари пайвандлаш агрегатини ҳам бошқарабошлади.

Заводнинг бошқа цехларидаги ишчилар ҳам тинчлик вахтаси кунларида меҳнат унумини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан ўнларча таклиф киритдилар.



«Таштекстильмаш» заводининг донгдор темирчиси Солих Одилов стахановча тинчлик вахтасида туриб ишлаб, тўқимачилик машиналари учун детальлар тайёрлаб беришда ҳар куни тўрт норма бажармоқда. **Суратда:** ўртоқ **С. Одилов** иш устида.

М. **Пенсон** фотоси.

Илғор комбайнчилар

КАТТАҚЎРҒОН, («Қизил Ўзбекистон» мухбиридан). 1-нчи МТС комбайнчилари дала ишларини қизғин давом этдираётган кунларда Стокгольм Мурожаатига қўл қўйиб, ўз қарорларида бундай деб ёзган эдилар: «Англия-америкали империалистлар янги уруш чиқаришга уринаётган шу кунларда социалистик давлатимизни янада мустаҳкамлаш ҳарбир совет ватанпарварининг муқаддас бурчидир, биз стахановча вахтада туриб ишлаб, ғалла ҳосилини тез ўриб-йиғиб олишни та'минлаймиз».

Стахановчи комбайнчиларнинг сўзи блан иши бир. МТСдаги 12 комбайнчи давлат планини, 7 комбайнчи оширилган мажбуриятни бажарди. Ўртоқ Гадоев тинчлик тарафдорлари Мурожаатига қўл қўйиб, ўз комбайни блан 585 гектар ердаги ғаллани ўриш мажбуриятини олган эди. У ўз имзосини мустаҳкамлаб, 718 гектар ернинг ғалласини ўрди. Бу қарийб 3 ярим мавсум нормасини ташкил этади. Шунингдек, комбайнчи ўртоқ Купранов ҳам уч мавсум нормасини бажарди.

МТС комбайн блан ғалла ўриш планини бажариш олдида турипти. МТС коллективи тинчлик шарафига вахтада туриб, ғалла ўрим-йиғимини қисқа муддатда тугаллаш учун курашмоқда.

Наманган корхоналарининг тинчлик йўлидаги ғалабалари

НАМАНГАН, («Қизил Ўзбекистон» мухбиридан). Шаҳарнинг тинчлик тарафдорлари Доимий Комитетининг Стокгольм Мурожаатига аҳиллик блан қўл қўйган меҳнаткашлари ўз корхона ва муассасаларида ишлабчиқариш планларини ошириб бажаришда, мактабларни янги ўқув йилига тайёрлашда, шаҳарни янада обод қилиш йўлида янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқдалар.

Шаҳар саноат корхоналари июль ойида маҳсулот ишлабчиқариш планини 109 процент бажардилар. 10-нчи ғишт заводининг ишчилари июль ойида мамлакатга 1 миллион ўрнига 1 ярим миллион дона пишиқ ғишт етказиб бердилар. Шунингдек, 1 миллион 700 ўрнига, 2 миллион дона хом ғишт тайёрланди.

Янги қурилган асбоб ва ускуналарни янада яхши эгаллаб олган бу завод ишчилари июль ойида янги электр моторлар, юқори линияли электр магистрали қурдилар, ёқилғини янада иқтисод қилиш йўлларини ўрганиб олдилар. Натижада илгари бирйўла 20 минг дона ғишт пиширилиб келган Гофман печьларида ҳозир 50 минг дона ғишт пиширилмоқда. А. Мадраҳимов, М. Сатторов, Ж. Орифбоев, И. Исомиддинов, Ж. Бурҳонов, Ж. Низомов, С. Турғунов каби ўнлаб стахановчи-новаторлар ойда 15 минг ўрнига 45 минг донадан ғишт қуйиб, 5 минг дона ўрнига 15 минг донадан ғишт пиширмоқдалар.

Карл Маркс номли ёғ заводининг ишчилари ёғ ишлаб чиқаришда, 3—4-нчи пахта заводининг коллективи заводни янги мавсумга тайёрлашда, Киров номли артель ҳунармандлари қурилиш материаллари ишлаб чиқариш планини ошириб бажаришда янги муваффақиятларга эришдилар. Улар бир сменада машина блан 35 — 50 гектар ердаги ўтни ўрмоқдалар. Республика қишлоқ хўжалик министрлигининг маълумотларига кўра, бу йил ўтган йилнинг шу вақтдагидан 1 миллион 200 минг гектар кўп пичан ўрилган. Бу муваффақиятга эришишда янги машиналардан фойдаланиш катта ёрдам берди.

Жанубий Қозоғистоннинг пахтакор колхозларида бу йил кузда 230 пахта териш машинаси ишлайди.

Стахановчиларга ёрдам

Самарқанд паровоз депосининг коллективи Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессиясини муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олиш учун социалистик мусобақани қизитиб юборди. Депонинг рационализатор ва ихтирочилари меҳнат унумини оширишда стахановчиларга кўмаклашмоқдалар.

Кўтариш цехининг мастери ўртоқ Спицин букса подшипниклари ремонтининг технологиясини ўзгартириш, тендерларни кўтариш ва туширишни тезлатиш учун домкратларни такомиллаштириш ҳақида янги таклиф киритди. Бу таклиф амалга оширилганидан сўнг ҳар сменада 4 ишчи кучи тежалди.

Қуйиш цехининг мастери ўртоқ Новиков ҳар турли металлар қириндиси аралашмасидан мис қиринди ларини ажратиб олиш тўғрисида ажойиб таклиф киритди. Ҳозир унинг ташаббуси блан махсус сим элак ясалиб, аралашмалардаги рангли металл ажратиб олинмоқда ва депонинг ўзида қайтадан қуйилиб, ишлабчиқаришда фойдаланилмоқда. Илгари эса бу қимматбаҳо рангли металл қириндилари темир-терсакларга қўшилиб кетар эди.

Ўртоқ Новиковнинг таклифини амалга ошириш блан депо коллективи кўп миқдорда рангли металл тежашга муваффақ бўлди.

Асбобсозлик цехининг слесари ўртоқ Мартиненко дишло втулкаларини прессдаш учун пресснинг тақсимловчи головкаларига ўзгаришлар киритди. Натижада, пресснинг иш унуми анча ошди ва юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилабошлади.

Депо ма'мурияти рационализатор ва ихтирочиларнинг бир гуруҳини пул блан мукофотлади. Мукофотланганлар орасида Спицин, Новиков ва Мартиненко ўртоқлар ҳам бор.

Б. ПИРНАЗАРОВ.

Стахановча вахтада туриб ишламоқдалар

Фарғона область, Киров районидаги момиқ фабрикасининг коллективи йиллик ишлабчиқариш планини Улуғ Октябрь революциясининг 33 йиллиги куни — 7 ноябрьгача бажариш мажбуриятини олиб, стахановча вахтада туриб ишламоқда.

Стахановча вахтада туриб ишлаётган Тошматов, Зиёев, Қосимова ўртоқлар каби 78 дан ортиқ меҳнатсевар ишчи ҳар ойда 2 ойлик норма эвазига ишлаб, йиллик планни 125 — 130 процентга етказиб адо этди ва фабрика ма'муриятидан қимматбаҳо мукофотлар олди. Социалистик мусобақа илғорларининг фидокорона меҳнати туфайли фабрика коллективи 17 июль куни йиллик планни 102 процент бажарди. Коллектив қолган 5 ой ичида 100 тонна момиқни ва 104 минг сўм маблағни тежаш мажбуриятини олиб, социалистик мусобақани янада қизитиб юборди.

А. ТЎХТАМАТОВ.

Совет Иттифоқида

МЕҲНАТ КУНЛАРИГА КЎП ҲАҚ ТЎЛАНМОҚДА

ПОЛТАВА. (ТАСС). Областьда эртаги дон экинларини ўриб-йиғиб олиш тамом бўлай деб қолди. Юзларча колхозлар колхозчиларнинг меҳнат кунларига натура блан кўп миқдорда аванс бермоқдалар. Золотоноша районидаги миллионер «Большевик» колхози етти ойлик меҳнат кунларига тўрт килограммдан аванс берди. Кўп колхозчилар иккиуч тоннадан ғалла олмоқдалар. Ишга яроқли тўртта а'зоси бўлган Мария Шульга оиласи аванс тариқасида 208 пуд ғалла олди. Паррандачи Н. Лучанинова ва чўчқа боқучи Е. Грозовалларнинг уйига 150 — 180 пуд ғалла олиб бориб берилди.

Оржицкий, Глобинский, Семенов ва бошқа районларнинг кўп колхозлари ҳам ҳар меҳнат кунига икки килограммдан аванс бермоқдалар.

ҚИШЛОҚ ФИЗКУЛЬТУРАЧИЛАРИ УЧУН СПОРТ АСБОБЛАРИ

Бу йил мамлакатимизнинг қишлоқларида спорт асбобларига талаб анча ошди. Центросоюз 3 миллиондан ортиқ майка ва футбол тўплари учун жуда кўп камер ва бошқа шу каби асбоблар жўнатди. Шахмат ва шашка колхозчилар турмушига сингиб кетди. 1950 йилнинг биринчи ярмида ўтган йилдагига қараганда икки баравар кўп шахмат-стилди.

Бу йил колхоз физкультура ташкилотлари фақат матлубот кооперацияси органларидан деярлик бир миллион сўмлик ҳархил спорт асбоблари сотиб олдилар.

Қишлоқ кооперациясига қишлик спорт асбоблари, шу жумладан чанги ва конькилар жўнатилабошланди. (ТАСС).

Қозоғистон далаларида янги техникадан кенг фойдаланилмоқда

ОЛМАОТА. (ТАСС). Қозоғистон колхозларида ўрим-йиғим қизғин бормоқда. Колхозчилар ҳосилни ўриб-йиғиб олиш блан бирга, чорва моллари учун ем-хашак тайёрлашни ҳам давом этдирмоқдалар.

Республиканинг далаларида жуда кўп янги машиналар ишламоқда. Республиканинг МТСлари ўрим-йиғим даврида ишлатиш учун 400 дан ортиқ ўзиюрар комбайн ва кучли «Сталинец — 6» машинаси, 400 га яқин ғалла ва пичан ўриш машинаси, 800 дискали чопиқ машинаси олдилар. Механизаторлар бу янги машиналардан яхши фойдаланиб, жуда унумли ишламоқдалар. Талдиқўрғон область, Андреев МТСининг комбайнчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. И. Чугуев «Путь Ленина» колхозида бир кун ичида 50 гектардан ортиқ ердаги ғаллани ўриб, ҳар гектаридан 80 пуддан ғалла янчиди.

Бу йил республиканинг колхозларида ҳосилнинг 85 процентини машина блан ўрилади.

Кокчетов областидаги Молотов МТСининг пичан ўрувчиларидан Бунденко, Иванов ва Милькин ўртоқлар катта муваффақиятга эришдилар. Улар бир сменада машина блан 35 — 50 гектар ердаги ўтни ўрмоқдалар. Республика қишлоқ хўжалик министрлигининг маълумотларига кўра, бу йил ўтган йилнинг шу вақтдагидан 1 миллион 200 минг гектар кўп пичан ўрилган. Бу муваффақиятга эришишда янги машиналардан фойдаланиш катта ёрдам берди.

Жанубий Қозоғистоннинг пахтакор колхозларида бу йил кузда 230 пахта териш машинаси ишлайди.

Анжирдан мўл ҳосил

СТАЛИНОБОД. (ТАСС). Бутун Иттифоқ субтропик илмий-текшириш институтининг Сталинобод тажриба базасига қарашли Вахш зонал станциясида ва Тожикистон колхозларининг боғларида анжирдан мўл ҳосил етиштирилди. Дастлабки маълумотларга кўра, ҳар гектар анжирзордан камида 10—12 тоннадан ҳосил олинади.

Бу йил институтга қарашли станцияларда яна кўп ерга анжир кўчатлари ўтказилди. Республиканинг колхозларида анча кўп ерга анжир кўчатлари ўтказилди.

Беда уруғидан мўл ҳосил

ЧАЛТИРЬ ҚИШЛОҒИ. (Ростов области). (ТАСС). «Молот» колхози бу йил беда уруғидан рекорд ҳосил етиштирди. Колхоз 1,2 гектар ердан 12 центнер уруғ олди.

Ростов областида беда уруғидан биринчи марта бундай юқори ҳосил олинди. Уруғлик учун паст жойдаги полиз майдони ажратилган. Уруғлик бедапоясини парвариш қилиш вақтида суньий чанглаш ва суғориш усули қўлланилди.

БОШҚИРДИСТОН КОМБАЙНЧИЛАРИ ТИНЧЛИК ВАХТАСИДА

УФА. (ТАСС). Бошқирдистондаги мингларча комбайнчилар стахановча тинчлик вахтасида туриб, колхоз далаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бирнеча ўн минг гектар жавдари бугдой комбайнлар блан ўрилди.

Благовешчинск районидаги Жданов номли колхозда ишлаётган комбайнчи ўртоқ Емелев икки кун ичида «Сталинец — 6» комбайни блан 60 гектардан ортиқ ердаги жавдари бугдойни ўриб, 8.000 пудга яқин ғалла янчиди, гектаридан 130 пуддан кўп ғалла ҳосили олинди. Чешма МТСининг йигирма комбайнчиси соат графиги асосида ишлаб, ҳар куни нормани ошириб бажармоқда.

КУЗГИ ДОН ЭКИШ

Мамлакатнинг колхоз ва совхозлари келгуси йилда мўл ҳосил етиштириш учун замин ҳозирлаб, кузги экинлар экишга киришмоқдалар.

Кемерово областининг Промишленновск, Яшкин ва бошқа районлардаги колхозлар жавдари бугдой экишга киришдилар. **Ленинград** областининг колхозлари ҳам кузги дон экмоқдалар. **Кострома** областининг шарқий районларида «Вятка» деган кузги нав'ли жавдари бугдой уруғлари экилмоқда. Курск областининг колхозлари одатдагига қараганда, беш-ўн кун илгари кузги дон экишни бошлаб юбордилар. Бу областьда кузги экинлар майдони 180 минг гектар кенгайтирилади. Шу блан кузги дон экинлари майдони уруғдан илгариги даражадан анча ошиб кетади. Ҳамма ерда ёзда шудгорланган ерларга юқори нав'ли уруғлар экилмоқда. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН К(б)П ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИДА

Партия маорифи шохобчаларида ўқув йилига тайёргарликни кучайтирайлик

10 августда Ўзбекистон К(б)П Тошкент шаҳар комитетининг пленуми бўлди.

Пленум партия маорифи шохобчаларида ўқув йилининг якунлари ва 1950 — 51 ўқув йилида Тошкент шаҳар партия ташкилоти олдида турган вазифаларни муҳокама қилди. Бу ҳақда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ Чиковани доклад қилди.

— Мамлакатимиз социализмдан аста-секин коммунизмга ўтаётган ҳозирги шароитда коммунистларни, барча кадрларимизни марксизм-ленинизм руҳида тарбиялаш ғоят катта аҳамиятга эгадир. Партия а'золари ва кандидатларини большевизм назарияси билан қуроллантириш, уларнинг социалистик онгини ҳартарафлама ошириш — барча партия ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир.

— ВКП(б) Марказий Комитети, партиямизнинг йўлбошчиси ўртоқ Сталин, — деди ўз сўзини давом эттириб ўртоқ Чиковани, — пропаганда ишига, коммунистларни, кенг меҳнаткашлар оммасини сиёсий жиҳатдан тарбиялашга ғоят катта э'тибор бермоқдалар. Бунинг учун ҳамма зарур шароит яратиб берилган.

Докладчи ўтган ўқув йилининг якунларига батафсил тўхталди. Партия а'золари ва кандидатларидан 26 мингдан кўпроқ киши партия ўқувининг турли соҳаларига жалб қилинди. Шаҳар партия ташкилотида 258 сиёсий мактаб, ВКП(б) тарихи қисқа курсини ўрганучи 647 тўгарак ишлади.

Партия маорифи шохобчаларидаги якунловчи машғулотлар кўпгина ўқувчиларнинг ўқув планини яхши ўзлаштирганликларини, ғоявий жиҳатдан ўсганликларини кўрсатди. 95 сиёсий мактаб, партия тарихини, В. И. Ленин ва И. В. Сталин таржимаи ҳолларини ўрганучи 449 тўгарак, шунингдек 9 та кечки район партия мактабида ўқув программаси тўла бажарилди.

Марксизм-ленинизм кечки университети ва унинг йирик корхоналар ҳузуридаги филиаллари, шунингдек сан'ат, медицина ходимлари ва совет зиёлиларининг бошқа группалари учун очилган филиаллари кадрларимизнинг марксча-ленинча билим даражасини оширишда катта роль ўйнайдилар. Бу йил 341 киши кечки университетни тамомлаб чиқди.

Коммунистларнинг талай қисми марксизм-ленинизм назариясини мустақил ўрганмоқдалар. Уларнинг ўқишига ёрдам бериш учун 440 та консультант белгиланди, партия тарихи, диалектик ва тарихий материализм юзасидан лекциялар ўқилди.

Пропагандистларнинг состави яхшиланди. Пропагандистлар орасида партия ва совет аппаратининг ходимлари, партия ташкилотларининг секретарлари, халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлаётган мутахассислар, олий ўқув юртлари ва мактабларининг ўқитувчилари бор.

Партия пропагандаси савиясини юксалтириш соҳасида анча катта ишлар қилинди. Аммо бу соҳада ҳали мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилгани йўқ. Коммунистлар ўртасидаги сиёсий ўқишни йўлга қўйишда ҳали жиддий камчиликлар бор. Бу камчиликлар партия маорифининг ғоявий савиясига та'сир қилмоқда.

Докладда ва пленум қатнашчиларининг сўзларида бу камчиликлар очиб ташланди.

Бирқанча партия ташкилотлари ташкилий масалаларга асосий э'тиборни қаратиб, пропаганда ишининг ғоявий мазмунини ва сифатини назорат қилиб туришдек энг муҳим масалани унутиб қўйдилар. Натижада сиёсий мактаб ва тўгаракларнинг бир қисми ўқув йилини қониқарли тугаллайолмади. Масалан, ўқишнинг иккинчи йилида давом этаётган 341 тўгаракдан 45 тасида ўқув плани бажарилмади. Якунловчи машғулотларда 100 дан ортиқ ўқувчининг ўтилган темаларни яхши ўзлаштирмаганликлари ма'лум бўлди.

Шаҳар партия комитети, район партия комитетлари, кўпгина бошланғич партия ташкилотлари пропагандистлар билан мунтазам иш олиб бормадилар. Ҳолбуки, ўқувнинг сифати пропагандистларга боғлиқ эканлиги ма'лум. Тўгарак ва сиёсий мактаб раҳбарларининг доимий семинарлари мунтазам ишламади. Семинарларда кўпинча раҳбарлик лекцияларгина ўқилди. Методика масалаларига жуда кам э'тибор берилди, пропаганда ишлари тажрибасини ўртоқлашиш яхши уюштирилмади. Бирқанча партия ташкилотларида, масалан, «Узбексельмаш» заводи, «Узпромстрой», Кинематография министрлигида пропагандистларнинг иши назорат қилиб турилмади. Кўпгина партия ходимлари тўгарак ва сиёсий мактабларнинг машғулотларига келмаганлар, машғулотларнинг боришини назорат қилиб турмаганлар.

Ба'зи партия ташкилотлари партия маорифи тормоқларини тўлдиришда жиддий камчиликларга йўл қўйдилар, коммунистларнинг билимини ва талабларини э'тиборга олмадилар. Бирқанча коммунистлар ўқишга тортилмай қолдилар.

Докладда коммунистларнинг ўқувига кун сайин раҳбарлик қилиб туриш алоҳида аҳамиятга эга эканлиги уқдириб ўтилди. Тўгарак ва сиёсий мактабларни тўлдириш, улар учун пропагандистлар танлаш блан иш тамом бўлмайди. Энг муҳим вазифа шундан иборатки, тўгарак ва сиёсий мактабларда машғулотлар мунтазам давом этиши, ҳамма ўқувчилар машғулотларга тўлиқ келишлари ва пухта тайёрланишлари керак. Ҳолбуки, ба'зи жойларда бунга э'тибор берилмади. Молия министрлигининг партия ташкилотида сиёсий ўқиш юзаки, хўжалик-сиёсий вазифалар блан боғланмай олиб борилди, тўгарак ўқувчиларга принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида тарбияланмади. Шу сабабли Молия министрлигида танқиднинг бўғилиши, министр Исомиддинов ва бошқа раҳбар ходимларнинг кибрланиши каби ярамас аҳвол сўнгги вақтгача давом этиб келган.

Мустақил ўрганаётган коммунистларнинг қандай ўқиётганлиги назорат қилиб турилмади. Шунинг натижасида коммунистлардан кўплари ўқимадилар. Партия ташкилотлари эса бунга э'тибор бермадилар. Масалан, Соғлиқни сақлаш министрлигида, Ўрмон хўжалиги министрлигида, Электр лампалар заводида шундай аҳвол содир бўлди. Бирқанча жойларда консультантлар белгилашга юзаки қаралди, уларнинг иши назорат қилиб турилмади.

Докладда қарбир ходимнинг ўқиши ҳақидаги масала жуда кескин қилиб қўйилди. Кўпгина ўртоқлар ҳали ҳам иш блан «банд» бўлганликларини баҳона қилиб, ўзларининг ғоявий-назарий савияларини ошириш блан шуғулланмайдилар. Раҳбар ходимларнинг ўз ғоявий-назарий билимларини оширишга э'тиборсиз қарашлари улар раҳбарлик қилаётган ишга ҳам зиён етказади, провардида уларнинг ўзига ҳам зарар келтиради. Масалан, консерва заводида аҳвол ана шундай бўлди. Бу заводнинг директори ўртоқ Раҳимов мутлақо ўқимай қўйган. Ўртоқ Раҳимов ўзининг қолоқлиги натижасида ма'муриятчилик йўлига кириб, аппаратнинг ишончсиз кишилар блан ифлосланишига йўл қўйган. «Узбексельмаш» заводининг собиқ директори ўртоқ Журавлевни ҳам мисол қилиб кўрсатиш мумкин. У шу қадар орқада қолиб кетганки, провардида корхонага раҳбарликни та'минлай олмаганлиги учун ишдан олишга тўғри келди.

Докладчи ўзларининг ғоявий-назарий савияларини ошириш блан шуғулланмаётган бошқа бирқанча раҳбар ходимларни танқид қилди. Озиқ-овқат саноати министри Муқимбоев, Сув хўжалиги министри Шамсиддинов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги сан'ат ишлари бошқармаси бошлигининг ўринбосари Кривой ўртоқлар марксизм-ленинизм университетининг ўқувчилари бўлганлари ҳолда машғулотларга мутлақо қатнашмаганлар.

Коммунистларнинг ғоявий-сиёсий билими етарли бўлмаганлиги шунга олиб келадики, айрим партия а'золари ва кандидатлари, шу жумладан раҳбар ходимлар ҳам давлатга қарши ҳахрил ножўя ҳаракатлар, маиший бузилишлар, диний хурофотлар ва хотин-қизларга феодал-бойларча муносабатда бўлиш каби ҳоллар блан қат'ий кураш олиб бориш ўрнига, ўзлари ана шу эски сарқитлар ичида ўралиб қоладилар, бегамлик ва хотиржамликка йўл қўядилар, камчиликларни хас-пўшлаб ўтадилар.

Ўртоқ Чиковани Навоий номидаги театрда, Ижтимоий та'минот министрлиги, Кинематография министрлиги аппаратларида, суд-прокуратура органларида кадрларни ғоявий жиҳатдан тарбиялаш ишларининг қўйилишини қаттиқ танқид қилди.

— Барча партия ташкилотлари партия пропагандаси масалаларига э'тиборни кучайтиришлари, янги ўқув йилини бошлашга пухта тайёрланишлари керак.

Янги ўқув йилида коммунистлар ва партиясизларнинг В. И. Ленин ҳамда И. В. Сталин ҳаёти ва фаолиятини ўрганишларини яхши уюштириш керак. Кенг меҳнаткашлар оммаси партия ва совет давлати гениал йўлбошчиларининг таржимаи ҳолларини тўгараклардa батафсил ўрганишни истайдилар.

Лекция пропагандасига раҳбарликни кучайтириш, лекцияларни ғоявий жиҳатдан юксак савияда ўтказиш энг муҳим вазифадир. Лекциялар ўқишга активларни жалб қилиш керак. Шаҳар партия комитети ва район партия комитетлари олий ўқув юртларидаги марксизм-ленинизм кафедраларининг ишига катта э'тибор беришлари зарур.

Комсомоллар ва партиясиз ёшлар ўртасида сиёсий ўқишни уюштиришга партия ташкилотлари алоҳида э'тибор беришлари керак.

Ўртоқ Чиковани доклади юзасидан бўлган музокараларда партия пропагандасини янада кучайтиришга доир муҳим масалалар ўртага қўйилди.

Сталин район партия комитетининг секретари ўртоқ Ердин ўқитувчи кадрларнинг ғоявий-назарий савиясини янада юксалтириш зарурлигига э'тиборни жалб қилди. Район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари мактаблардаги ҳамма ўқувчиларнинг ўз билимларини ошириш блан доим шуғулланишлари ҳақида ғамхўрлик қилишлари керак.

«Таштекстильмаш» заводининг пропагандисти ўртоқ Воҳидов сиёсий мактабга раҳбарлик қилишдаги тажрибасини сўзлаб, шаҳар партия комитети ва Фрунзе район партия комитетини пропагандист кадрларга қониқарсиз раҳбарлик қилаётганликларини қаттиқ танқид қилди.

— Шаҳар ва район партия комитетлари, — деди ўртоқ Воҳидов, — машғулотлар ўзбек тилида ўтказилаётган сиёсий мактабларда ишловчи раҳбарларнинг бирон марта ҳам кенгашларини чақирганлари йўқ. Биз методика ёрдамига муҳтожмиз.

Марказий район партия комитетининг секретари ўртоқ Гальченко кадрларнинг мустақил ўқишлари устидан назоратни кучайтириш зарурлиги ҳақида гапирди. Сиёсий билимини оширишга бепарво қараётган ўртоқларга сра муросасозлик қилинмаслиги керак. Тўгарак ва сиёсий мактабларнинг нормал ишлаши учун бутун шароит яратиб берилиши зарур. Ўқув кунлари аниқ белгиланиши, машғулот ўтказиладиган кунда ҳарқандай маълис ва кенгашлар чақиришдек ҳолларга хотима берилиши лозим.

Шаҳар партия комитетининг лектори ўртоқ Бергер ўз сўзида раҳбар ходимларнинг шаҳар семинари ишидаги катта камчиликларга тўхталди. Семинарда машғулотлар кечикиб бошланган, ўқувчилар машғулотларга кам қатнашганлар. Район партия комитетлари ўқувчилар рўйхатини топшириш блан қаноатланиб, бу иш блан қизиқмай қўйганлар.

Пропагандист ўртоқ Еременко (Москва райони) иш тажрибалари блан ўртоқлашиш мақсадида пропагандистларнинг кенгашлари тез-тез чақириб турилиши керак, деди.

Куйбишев район партия комитетининг секретари ўртоқ Жамолова янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари ҳақида сўзлади. Ҳамма бошланғич партия ташкилотларида партия маорифи шохобчалари кадрлар блан тўлиқ та'минланмоқда. Район партия комитети бюроси пропагандистларни э'тибор блан танламоқда.

Музокараларда Иноғомов (Октябрь район партия комитетининг пропагандисти), Голубкин (Москва район партия комитетининг секретари), Рачинская (Ўзбекистон ССР Маориф министрининг ўринбосари) ҳам гапирдилар.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан катта қарор қабул қилди.



Тарих фанлари кандидати Сабоҳат Азимжонова Фарғонанинг XV — XVI асрлардаги тарихини ўрганиш соҳасида ишламоқда. Суратда: ўртоқ С. Азимжонова иш устида.

В. Лейн фотоси
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Қисқа сатрларда

✦ Тошкентда Ўрта Осиё ёғ комбинати қурилабошлади. Бунинг учун Қорасув районидаги Фрунзе номли колхоздан 50 гектар участка ажратилди. Комбинат Ўзбекистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Тожикистон республикаларига хизмат қилади.

Б. Ражабов.
М. Абдуллаева.

✦ Қўқондаги 2-нчи ёғ заводининг коллективи мусобақада илғорликни сақлаб, кўчма қизил байроқни йил охиригача қўлдан бермаслик, йиллик планни Сталин Конституцияси кунигача бажариш ва йил охиригача пландан ташқари 1.000 тонна ёғ, 630 тонна совун ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун курашмоқда.

Т. Обидов.

✦ Самарқанд область, Пойариқ районидаги маҳаллий саноат комбинати областьдаги илғор корхоналардан биридир. Олти ойлик планни ошириб бажарган комбинат ходимлари йиллик планни Октябрьнинг 33 йиллиги кунигача адо этиш учун Октябрьолди мусобақасини кучайтириб юбордилар.

К. Пиримқулов.

✦ Ярим йиллик планини 105 процент бажарган Қувасой шифер заводининг коллективи Октябрьолди мусобақасини кучайтириб, йиллик планни 7 ноябрьгача бажариш учун курашмоқда. Стахановчилардан Мирзабоев, Разуненко, Аблаев, Зиёвиддинов ўртоқлар мусобақада олдинда бораётирлар.

И. Исмоилов.

✦ «Ташсельмаш» заводида касаба союз группа ташкилотчиларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда касаба союз группа ташкилотчилари социалистик мусобақани кучайтириб юборишда эришган тажрибаларини сўзлаб бердилар. Бундай йиғилишлар ҳар ойда бир марта ўтказилиб турилади.

Г. Демидов.

✦ Фарғона область маданий-оқартув муассасалари бўлими қошида очилган маданият уйларининг директорлари, кутубхона, қироатхона мудирлари ва район маданий оқартув бўлими инспекторлари тайёрлаш 2 ойлик курсини 73 киши битириб чиқди.

М. Шарипов.

✦ Андижон область, Ленин район, САКУ қишлоқ советидаги Серго номли колхозда 500 кишилик янги клуб бинoси қад кўтарди. Клуб ёнидаги майдон гулзор қилиниб, у ерда доҳи Сталинга ҳайкал ўрнатилди.

Ж. Мирзаев.
Б. Мирзаев.

✦ Тошкент область, Оҳангарон районидаги «Ленинчи» колхозида кучли электр станция қурилабошлади.

Р. Норжигитов.

ПАХТА ПУНКТЛАРИНИ МАВСУМГА НАМУНАЛИ ТАЙЁРЛАЙЛИҚ

Завод ва пунктларда магнитдан фойдаланиш усули

Ўзбекистоннинг пахта заводлари ва тайёрлаш пунктларида пахтани тойлаш ва машиналардан тушириш кўп меҳнат талаб қилади. Бу ишларни машиналаштириш юзасидан бирмунча ишлар қилинди. Ҳозир ба'зи пахта тозалаш заводларида лентали кўчма транспортёрлардан фойдаланилмоқда. Аммо тайёрлаш пўнктларида пахта тойлашни механикалаштириш масаласи блан ҳали ҳам етарли шуғулланилмаётир.

Республикамизда пахта тайёрлаш пунктлари йилдан-йил кўпайиб, уларнинг иш ҳажми ҳам тобора ошаётганлиги сабабли кўп меҳнат талаб қиладиган бу ишларни янги усул блан бажариш ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Ўтган йили ба'зи заводларда, шу жумладан, Сталин районидаги пахта тозалаш заводида ҳам лентали транспортёрлар синаб кўрилди. Бу транспортёр чигитни вагонларга ортишда яхши натижа берди, аммо пахтани тойлашда кутилган натижани бермади.

Сталин район пахта тозалаш заводининг юк ташучиси ўртоқ Мамадалиев пахтани тойлаш учун кўтарма кранлардан фойдаланишни таклиф этди. Лекин бу кранлар анча қиммат бўлгани учун уларни ишлатиш ноқулай эди.

Пахта заводлари ва тайёрлаш пунктларида пахтани тойлаш ва юк машиналаридан тушириш учун янги ҳамда арзон усулни — магнитдан (магнитли темир рудасидан) фойдаланиш усулини тавсия этиш мумкин.

Ҳозиргача металларни кўтаришдагина электр магнитдан фойдаланилар эди. Чунки электр магнит темир учун хавфли эмас. Аммо пахта учун ундан ёнғин чиқиш хавфи жуда каттадир.

Шу сабабли пахтани тойлашда электр магнитдан фойдаланмай, оддий магнитдан фойдаланиш зарур. Бу, пахтани автомашиналарга ортиш ва туширишда банд бўлган юк ташучиларнинг оғир меҳнатини анча осонлаштиради.

Бунинг учун илгари пахта заводларида ишлатилиб келинган нарвонларнинг поялари олиниб, силлиқланади ва нарвоннинг икки томонига стандарт катталикдаги пахта қоплари кенглигида ёғоч деворча тикланади.

Нарвонларнинг бир боши ерга ёки автомашина баландлигидаги майдончага ва иккинчи боши бунтга жойлаштирилади.

Ипга боғланган оддий магнит нарвон бўйлаб гоҳ юқорига кўтарилиб, гоҳ пастга тушиб туради. Магнит бунтга ўрнатилган кўчма чиғириқ ёрдами блан ҳаракатга келтирилади.

Қоп ва қанорларга жойланган пахта автомашинадан олиниб, нарвондаги махсус темир идишларга қўйилади. Магнит, пахта қоплари қўйилган темир идишни ўзига тортиб юқорига чиқаради ва қоплардаги пахта бунтга бўшатилиб, темир идишлар яна пастга тушади. Шунингдек, бунтдаги тойланган пахтани автомашиналарга ортишда ҳам шу усулдан фойдаланиш мумкин.

Магнит Уролда, «Магниткада», шунингдек Ўзбекистон ва Ўрта Осиёда жуда кўп бўлганидан пахтани тойлаш ва автомашиналардан туширишда бу янги усулдан кенг фойдаланиш мумкин.

В. АВДЮШКИН.
Инженер.

Янги мавсумни шайланиб кутиб оламиз

Ўртачирчиқ районидаги Тўйтепа пахта пунктининг ходимлари Фарғона область, Файзиобод пахта пункти коллективининг янги пахта ҳосилини қабул қилишга намунали тайёргарлик блан киришиш ҳақидаги чақиригига қўшилиб, янги пахта ҳосилини тўла шайланган ҳолда қабул қилиш учун тайёргарлик ишларини кучайтириб юбордилар. Пункт ходимлари файзиободликларнинг чақиригига жавобан, ремонт ишларини ўз кучлари блан бажариш ва давлатнинг маблағини тежаш юзасидан олинган мажбуриятни шараф блан бажариш учун курашмоқдалар. Пункт ходимлари бу йил пландан ташқари 1.300 тонна пахта қабул қилиб олишга ва'да бериб, бунинг учун етарли жой тайёрламоқдалар. Пунктда янгидан иккита хирмон қурилди. Хирмонларни қуришда маҳаллий материаллардан фойдаланилиши натижасида давлатнинг 3 минг сўмдан ортиқ маблағи тежалди. Усти ёпиқ бўлган 3 та катта омбор тўла равишда ремонтдан чиқарилди.

Бу йил пунктда пахталарни ғарамлаш ва қоплаш ишлари 60 процент механизлаштирилади. Бунинг учун керакли бўлган 3 транспортёр, 13 та станок ва бошқа аппаратлар ремонтдан чиқарилиб, тахт қилиб қўйилди. Пунктнинг бир томонидаги 260 метр узунликдаги девор пункт ходимларининг кучи блан урилмоқда. Пункт ходимларидан Ну'монов, Галиев, Эшмуродов ва бошқа ўртоқлар стахановча иш намуналарини кўрсатмоқдалар.

Пункт ходимлари пахтани сортларга ажратиб теришни намунали ўтказиш учун ҳам тегишли тадбирларни кўрмоқдалар. Пахтани терган вақтда сортларни аралаштирмаслик учун колхозларга турли пахта сортларининг намуналари солинган яшиклар тарқатилди. Сортларга ажратиб териш учун 15.000 та этак тайёрланди. Шунингдек пахтани сортларга ажратиш ишлари блан шуғулланучи ҳамда пахта топширучи колхоз вакилларининг ишини уюштириш тартиблари юзасидан 5 кунлик семинар ташкил этилди.

Т. МУМИНОВ.
А. НАБИХЎЖАЕВ.

Бир фабриканинг чевар қиз-жувонлари

Тошкент пайпоқ-трикотаж фабрикаси енгил саноатнинг урушдан кейинги бешйиллик даврида барпо қилинган йирик корхоналаридан биридир. Фабриканинг катта коттон цехи ва бўёқчилик цехлари яқиндагина битказилиб ишга туширилди.

Бу корхонада ишчиларнинг кўпчилик қисми хотин-қизлардан иборат. Ишчилар орасида ўзбек хотин-қизлари 28 — 30 процентни ташкил этади. Улар бу ерда қисқа муддат ичида ҳунар ўрганиб, нафис ипак пайпоқлар, гулдор жемперлар, ипак ва ипдан турли ички кийимлар тўқийдиган механизмлар ва станокларда а'ло сифатли трикотаж кийим-кечак ишлаб чиқараётирлар. Фонго цехининг отоқли стахановчиларидан жемпер тўқучи Мирхолиқова, Имомова, Турсунова, Қодирова ва Абдуқодирова ўртоқлар бу касбни қисқа вақт ичида жуда яхши эгаллаб олдилар. Улар ҳали ёш бўлсалар ҳам, малакали ишчилар блан бир қаторда, топшириқни бир ярим ҳисса бажариб, браксиз маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар, Фабрика-завод та'лими мактабини битириб келган ёш қиз Алимуҳаммедова ҳам ички кийимлар цехида яхши ишлаётир.

Коттон цехининг илғор стахановчиларидан Ҳадича Норхўжаева, инструктор Нафиса Қурбонова смена мастери бўлиб етишдилар. Улар ҳозир шу цехга раҳбарлик қилмоқдалар. Тикув цехидан Халима Усмонхўжаева, Нури Ашурова, Марҳамат Мирюсупова ўртоқлар трикотаж кийим тикишда стахановча меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар.

Корхонанинг раҳбарлик ўринларида ҳам хотин-қизлар ишлаётирлар. Тўқувчи инженер Юлия Николаевна Язинина директор бўлган бу корхонада цех ва сменаларга хотин-қизлар бошчилик қилмоқдалар. Ольга Сергеевна Савенкова, Соҳиба Умарова каби цех бошлиқлари, Евгения Александровна Чуркина, Муҳаррам Мавлонова, Мамлакат Азизова, Нафиса Қурбонова сингари смена мастерларини ҳамма ишчилар ҳурмат қиладилар. Улар бошчилигидаги смена коллективлари тинчлик вахтасида туриб, яхши натижаларга эришаётирлар. Мастер Мавлонованинг сменаси планни 125 — 130 процент бажармоқда. Шунингдек ўнларча хотин-қиз мастер ёрдамчиси, инструкторлик вазифасида ишлаб, ёш ишчиларга ҳунар ўргатмоқда.

Фабрикада хотин-қизларнинг техник билимини, малакасини ошириш учун барча шароит яратиб берилган. Корхона ҳузурида фабрика-завод та'лими мактаби бор. Бу ерда техминимум мактаблари ҳам ишлайди. Бу йил техминимум мактабини 59 ишчи тамомлади. Стахановчилар ва инженер-техник ходимлардан бир гуруҳи бу йил Москва ва Ленинград шаҳарларида малака ошириш мактабларида ўқиб келадилар. Инструкторлардан Норхўжаева, Тожиева, мастер Қурбонова ўртоқлар яқинда Ленинград ва Тбилиси шаҳарларидаги трикотаж корхоналарининг ишлари блан танишиб қайтдилар.

Фабрика ҳузурида болалар яслиси, боғча, ошхона ва чойхона бор. Корхонанинг клубида бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ташкил этилмоқда.

Фабрика ишчилари, инженер-техник ходимлари хотин-қизларга озод меҳнат ва бахтли ҳаёт йўлини очиб берган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 33 йиллигини йиллик планни муддатидан олдин бажариш блан нишонлаш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

С. ШАМСИЕВА.

Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитетида

Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети Тошкент бозорларига кўпроқ картошка ва мева келтириш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Бозорлар бошқармаси ва Алайск, Октябрь, Госпитальний, Беш'ёғоч бозорлари директорлари яхши ишламаганликлари сабабли июнь ойида ва июль ойининг 20 куни ичида шаҳар бозорларига 2 минг тонна сабзавот, картошка ва мева кам келтирилган. Бозор комитетлари сабзавот, картошка ва мева ташиб келтиришда колхозларга транспорт блан ёрдам бермадилар. Тошкент қишлоқ, Калинин ва Қорасув районларининг бирқанча колхозларида транспорт ва идиш етишмаганлигидан, бирнеча тонна сабзавот, мева, картошка, қовун-тарвуз ўз вақтида ташиб келтирилмаган.

Ижроия комитет мэнтаб ёшидаги болаларни ҳисобга олиш тўғрисидаги масалани ҳам муҳокама қилди. Шаҳар ижроия комитети район Советлари ижроия комитетларига ва халқ маорифи органлари бу соҳада қониқарсиз ишлаётганликларини қайд қилиб ўтди. Фрунзе ва Сталин район ижроия комитетлари мактаб ёшидаги болаларни ҳисобга олишга бир ойдан кўпроқ кечикиб киришганлар. Шаҳар Совети ижроия комитети Фрунзе район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Титовга мактаб ёшидаги болаларни ҳисобга олиш ишига қониқарли раҳбарлик қилмаётганлигини кўрсатди.

Сўнгра шаҳар Совети ижроия комитетининг мажлисида «Ташгорстрой» трестининг (бошқаручиси ўртоқ Альчибеков) фаолияти ҳақидаги ҳисобот тингланди.

Шаҳар қурилиш трести шу йилнинг биринчи ярмида қурилиш ишлари планини атиги 50 процент бажарган. Трестнинг қониқарсиз ишлаётганлигига асосий сабаб шуки, қурилиш ишлари ҳали ҳам машиналаштирилмаган. Мавжуд машиналар эса кўпинча бекор туради.

Трестда бинокорлик материалларини сарфлаш пухта ҳисобга олиб турилмайди. Шу сабабли трестга қарашли ҳамма қурилишларда ғишт, цемент, ёғочтахта ва бошқа шу каби материалларни ортиқча сарфлашга йўл қўйилган.

Шаҳар Совети ижроия комитети Альчибеков, Бурцев ва Поздняков ўртоқларни, агар қурилишларда ишни яхши фурсатда яхшилаб, қат'ий бурилиш ясамасалар, уларга нисбатан қаттиқ чора кўрилажаги тўғрисида огоҳлантирди.

Трестнинг бош инженери Бурцев ва техника бўлимининг бошлиғи Поздняков ўртоқларга қурилишлар устидан яхши назорат қилиб турмаганликлари учун выговор э'лон қилинди.

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

ҚОНИҚАРСИЗ БИР ТАРЖИМА ҲАҚИДА *)

Ўз Ватанининг географияси, ижтимоий ва давлат тузилиши тўғрисида зарур билимга эга бўлиш—ҳарбир совет гражданининг муҳим вазифасидир. «СССРнинг ижтимоий ва давлат тузилиши тўғрисида суҳбатлар» номли китобнинг нашр этилиши ҳам худди ана шу муҳим мақсадни кўзда тутади. Китобнинг мундарижаси: «Бизнинг Ватанимиз», «Совет давлати — янги типдаги давлат», «Совет Конституциясининг вужудга келиши ва ривожланиши», «СССРнинг ижтимоий ва давлат тузилиши», «Бизнинг мақсадимиз — коммунизм» деган қисмларга бўлинади.

Бу китобнинг ўзбек тилида босиб чиқарилиши китобхонлар, айниқса ёшлар учун қувонарли ҳолдир, албатта. Китобнинг ўзбекча нашрини тақриз қилишимиздан асосий мақсад таржиманинг камчиликларини кўрсатишгина бўлмасдан, балки китобхонларга ёрдам бериш ҳамдир.

Аввало шуни айтиш керакки, китобни иштиёқ блан ўқиб чиқаётган киши, ҳатма-кет учрайдиган имло хатоларига йўл қўйилгани учун китобнинг муҳарриридан ранжийди. Китобда «Експлоатация» (85 бет), «далатамиз» (91), «қишиларимиз» (95), «буржуу» (110), «камларнинг» (129), «коркона» (186), «ф'елавтор» (284), «Халқниқиб ўлди» (69), «Эски Румия» (303), «блаки ижтимоий» (309), «будай», «социалилм» (317), «ецциалистик» (322), «арча меҳнаткашлар» (333), «комунимзи» (334)... каби имло хатолари блан ёзилган муҳим сўзларнинг сони 100 дан ортади.

Китобда шунчалик кўп имло ва босма хатоларига йўл қўйилиши, шубҳасиз, яна бошқа хатоларнинг ва нуқсонларнинг мавжудлигидан ҳам дарак беради.

Таржиманинг пала-партиш қилиниши натижасида нотўғри, англашилиши анча қийин бўлган қалтис жумлаларни учратиш мумкин. Масалан, «Бунинг учун капитализмнинг кишилар онгидаги барча сарқитларини ҳам йўқотиш, меҳнатга коммунистларча муносабатда бўлмаслик, майда хусусий мулкчилик одатлари, дангасалик, ваҳ'ёқмаслик, халқ бойлигини талон-торож қилиш ва шу сингари ярамас ҳолларга ҳам хотима бериш зарур» (333) деган жумлани олайлик. Бу жумлада «йўқотиш» сўзидан кейин «керак, я'ни» сўзлари ёзилганда, ма'нонинг тескари тушуниб қолишишига йўл қўйилмаган бўлур эди.

Таржимон блан муҳаррир давлат блан жамиятнинг фарқига бормаганлар: «...советское общество стало социалистическим обществом» жумласини «...совет жамияти социалистик жамият бўлиб қолди» деб таржима қилиш ўрнига «...совет давлати социалистик жамият бўлиб қолди» (86) деб таржима қилинган. Таржимон бу блан нима демоқчи бўлади?

Китобнинг таржимасида марксизм-ленинизм классикларидан келтирилган цитаталар бузиб ёзилган ҳоллар ҳам учрайди. Ленинниг «Не парламентарная республика,—возвращение к ней от С. Р. Д. было бы шагом назад,—а республика Советов рабочих, батрацких и крестьянских депутатов по всей стране, снизу доверху» деган жумласи «Парламент республикаси эмас (ишчи депутатлари Советларидан парламент республикасига қайтиш бир қадар орқага кетиш бўлур эди), балки мамлакатнинг ҳамма қисмида Ишчилар, Батраклар ва Деҳқонлар Депутатлари Советлари Республикаси бўлсин» (67) деб таржима қилинган. Ҳолбуки, Ленинниг Апрель тезисларидаги бу жумла «ВКП(б) тарихи»нинг ўзбекча нашрида қуйидагича аниқроқ таржима қилинган: «Парламентлик республика тузиш керак эмас, чунки Ишчи депутатлари Советларидан парламентлик республикага қайтиш орқага қадам қўйиш бўлур эди, — бутун мамлакатда, пастдан юқоригача ишчи, батрак ва деҳқон депутатларидан иборат бўлган Советлар республикаси тузиш керак». («ВКП(б) тарихи. Қисқа курс» 235 бет. Ўздавнашр, 1949 йил).

Китобда Лениндан олинган цитаталардаги «пастдан юқоригача» сўзининг тушириб қолдирилганлиги кечирарли ҳол эмас.

Муҳаррирнинг бепарволиги натижасида «буржуазия демократиясидан» сўзлари ўрнига «буржуазия демократиямиздан» (140) дейилган. Биринчи чақирик Олий Советнинг «1339 депутати» ўрнига «1939 депутат» (225 бет), «СССР Министрлар Совети» сарлавҳачаси ўрнига «СССР Олий Совети» (235), «Москва—СССРнинг сиёсий ма'мурий маркази» ўрнига «Москва СССРнинг сиёсий ма'навий маркази» (26) деб ёзилган. «Республикачилар партияси»ни «Республикалар партияси» (116) деб аталган.

Муҳаррир блан таржимоннинг бепарводиги шу даражага бориб етганки, натижада 16, 26-нчи ва бошқа бетларда ҳатто муҳим абзацлар, жумлалар ва сўзлар тушириб қолдирилган. Масалан, 20 бетда «Табиий бойликлар» сарлавҳасидан илгари келиши лозим бўлган қуйидаги абзац тушиб қолган: «Совет Иттифоқи табиий шароитларининг турли-туманлиги колхоз ва совхозларимизда қишлоқ хўжалик экинларининг жуда кўп турларини яратишга имкон беради».

Китобда географик хатолар ҳам кам эмас. «Граница СССР с Монгольской народной республикой начинается в Алтайских горах и юго-восточнее озера Байкал проходит в границу с Маньчжурией (часть Китая) жумласи «СССР блан Мўғулистон Халқ Республикаси ўртасидаги чегара Олтой тоғларида бошланади ва Бойқол кўлининг ғарбжанубида бошланиб, Маньчжурия (Хитойнинг бир қисми) чегарасига ўтади» (14) деб географик жиҳатдан саводсизларча таржима қилинган. Бу жумла «СССР блан Мўғулистон халқ республикаси орасидаги чегара Олтой тоғларида бошланиб, Бойқол кўлининг шарқи-жануброғида Маньчжурия (Хитойнинг бир қисми) чегараси блан туташиб кетади» деб таржима қилиниса тўғрироқ бўлур эди.

Географик номлар эскича берилган, я'ни нотўғри ишлатилган. Масалан, Кола ярим оролини Колск ярим ороли (21), Беринг денгизини Берингов денгизи (12), Буреяни Буреяк (16), Чукоткани Чукот (245), Копет-Доғни Копит-Доғ (14), Соликамскни Соликам (37) ва ҳоказо, деб нотўғри аталган.

Китобда ғализ жумлалар ҳам кўп учрайди. Масалан, «Фашистлар Германияси қарийб бутун Европани босиб олиб, Европадаги мамлакатлардан кўпчилигининг саноатидан Совет Иттифоқига қарши уруштан фойдаланаолди» (93), ёки «Ба'зи мамлакатлар аҳолисининг сони, табиий бойликларининг кўплиги ва ҳайма-хиллиги жиҳатидан СССР блан солиштириш мумкин» (53) каби жумлалар бор. Биринчи жумладаги «урушдан» сўзи ўрнига «урушда», иккинчи жумладаги «мамлакатлар» сўзи ўрнига «мамлакатларни» сўзлари ишлатилиши лозим эди. Бу каби камчиликларни 14, 21, 78, 82, 205 ва бошқа бетларда учратиш мумкин.

«СССРнинг ижтимоий ва давлат тузилиши тўғрисида суҳбатлар»нинг ўзбекча нашри асосан мана шу юқорида кўрсатилган нуқсонлар блан чиқди. Бу таржимон Ш. Алиев ва муҳаррир У. Муҳаммедов ўртоқларнинг ўз вазифаларига ўтакетган даражада мас'улиятсизлик блан қараганликларини кўрсатади. «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» б

Ғўза парваришини пахта йиғим-теримига тайёргарлик блан боғлаб олиб борайлик!

☆ ☆

Илғор колхозлар пахта йиғим-теримига тайёрланмоқдалар

Саройқўрғон қишлоқ советидаги «Оқолтин» колхозининг а'золари колхознинг пахтачиликдаги шуҳратини янада ошириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бу йил колхозда ҳар гектар ердан камида 50 центнердан ҳосил олиш учун (колхоз ўтган йил ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил олган эди) кураш тобора кучайтирилаётир.

Колхозда ғўза парвариши илғор агротехника талаблари асосида юқори сифатли қилиб ўтказилмоқда. Мўл ҳосил учун кураш ўтган йил кузда бошланганлиги, пахта ҳосили тез териб олиниб, ерлар шудгор қилинганлиги натижасида бу йил ҳам чигит эрта экилди. Бу, ғўза парваришини эрта бошлаш имкониятини берди. Апрель ойида ғўзанинг биринчи парвариши тугалланди.

Колхозда ғўза парваришининг сифатига алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозир ҳамма звенода ғўзалар беш марта чопиқ ва культивациядан чиқарилди, най усулида уч марта қондириб суғорилди. Суғориш олдидан 75 тонна минерал ўғит ва 500 тоннадан кўпроқ маҳаллий ўғит солинди. Ғўзани қўшимча озиқлантириш «СУЗ» машиналари блан ўтказилди. Бу, яхши натижа бермоқда. Бу машина блан ғўзани озиқлантириш ўғитнинг ерга текис тушишини таъминлади ва нормал ривожланишига ёрдам берди.

Парвариш ана шундай муваффақиятли ўтказилаётганлиги натижасида ғўзалар мавж уриб ўсмоқда. Раҳим Муминов, Ўрин Пўлатов, Шерполвон Саидов, Жамил Нодиров, Нор Шароповв, И. Баёзов ўртоқлар бошлиқ звеноларда айниқса ғўзалар серҳосил бўлиб етишмоқда. Ўртоқ Шерполвон Саидов бошлиқ звеноининг ҳар бир туп ғўзасида 10—15 тагача тўқ қўсак саналш мумкин. Звено а'золари Стокгольм Мурожаатига қўл қўйиб, оширилган мажбурият қабул қилдилар. Ҳозир Ўртоқ Саидов бошлиқ звено ҳар гектар ердан 80 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқда. Звенода чеканка ҳам тамомланди.

Колхоз а'золари ҳосилга ҳосил қўшучи июль ойида ишда ғайрат ва ташаббус кўрсатдилар. Ғўза парваришида ишлаётган 120 колхозчидан 40 таси июльнинг 25 кунида 50 тадан меҳнат куни ишлади. Рисолат Караматова, Шаҳри Зоҳирова, Ҳосият Жамилова ўртоқлар эса 25 кунда 55 тадан меҳнат куни ишладилар. Колхозда ғўза парвариши муваффақиятли давом этдирилаётганидек, пахта йиғим-теримига ҳам намунали тайёргарлик кўрилаётир. Колхозда янгидан қурилиши лозим бўлган сушилкада иш бошлаб юборилди. Ўртоқ Ҳамдам Эшов бошлиқ бригадада пахта қабул қилиш учун янги сарой қурилаётир. Ҳар уч бригада учун ҳам тошгарозилар тахт қилиб қўйилди. 13 аравадан 6 таси ремонтдан чиқарилди. Йўл-кўприклари ремонт қилишга киришилди.

Каттақўрғон районида ғўза парваришини ана шундай юксак агротехника талабларига мувофиқ давом этдириб, пахта йиғим-теримига пухта тайёргарлик кўраётган колхозлар оз эмас. Ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олган Каганович номли, Стаханов номли, Сталин номли колхозларда ҳозир ғўзанинг олтинчи парвариши бошлаб юборилди. Каганович номли колхознинг ўртоқ Шаҳри Раҳматова бошлиқ бригада а'золари ҳар гектар ердан 60 центнердан ҳосил етиштириш учун курашиб, яхши натижаларга эришаётирлар. Ўртоқ Эрка Нурхонова бошлиқ звенода пахта очилиш олдида турибди.

Ғўза парваришини намунали олиб бораётган бу юқори ҳосилли илғор колхозлар пахта йиғим-теримига тайёргарлик кўриш ишларини ҳам бошлаб юбордилар. Каганович номли колхозда араволарни ремонт қилиш бошланди. Стаханов номли, Сталин номли колхозларда теримчилар учун этаклар тайёрланаётир. Ўртоқ Шаҳри Раҳматова бошлиқ бригадада пахта қабул қилиш жойлари тайёрлаб қўйилди.

Т. КАРИМОВ.
М. ЭЛМУРОДОВ.



Қашқадар'ё область, Китоб районидаги Оҳунбобоев номли колхознинг а'золари пахта зараркунандаларига қарши курашни ҳеч сусайтирмай давом этдирмоқдалар. **Суратда:** звено бошлиғи **Рўзи Мелихов** ғўзаларга дори сепмоқда.

И. Юсупов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ғўза парвариши кучайтирилди

Фарғона районидаги илғор «Ёш ленинчи» колхозининг а'золари бу йил ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олганлар. Бу мажбурият республика пахтачилик илғорлари VI қурултойи вакилларининг Мурожаатида ҳам ёзилган.

Колхозчилар ҳозир ғўзани 6-нчи марта чопиқ, 7-нчи марта культивация қилмоқдалар. Улар Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг Мактубига жавобан, ғўза парваришини кучайтириб юбордилар. Далага қўшимча ишчи куч ва от культиватори чиқарилди.

Колхозда ғўза парвариши блан бирга, пахта йиғим-теримига тайёргарлик ишлари ҳам қизғин кетаётир. Колхоз чегарасидаги ва бригадалардаги йўл ва кўприклар тузатилмоқда. 15 от боқувга қўйилди. Арава, автомашина, тарозилар ремонт қилинмоқда.

Колхозчилар барча тайёргарлик ишларини тез кун ичида тугаллаб, энг узоғи блан 25 августдан пахта теримига тушишни мўлжалламоқдалар.

Ҳ. НУ'МОНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН К(б)П МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МАКТУБИГА ЖАВОБАН

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси олимларидан катта бир группаси яқинда Юқоричирчиқ районига жўнаб кетган эди. Олимлар пахта ҳосилини зараркунандалардан ҳимоя қилишда, шона ва кўсакларни сақлаб қолишда колхозчиларга амалий ёрдам берадилар.

Фанлар академиясининг олимлари районнинг 12 та колхозида бўлиб, колхоз раислари, дала мудирлари ва бригада бошлиқлари блан бирга, ҳарбир пахта майдонини кўздан кечирдилар ва ғўзаларни парвариш қилиш юзасидан амалий ёрдам бердилар.

Қишлоқ хўжалик институтининг партия ташкилоти 2 августда «III Интернационал» колхозида институт коммунистлари блан колхоз коммунистларининг очиқ партия йиғилишини ўтказди. Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг Мактуби муҳокама қилиниб, ғўзаларнинг гул ва кўсакларини сақлаб қолиш усуллари ҳақида илмий ахборот тингланди ва август ойида ғўзани парвариш қилиш юзасидан амалий тадбирлар белгиланди.

Броқ область бўйича умуман олганда Мактубдан кейин ғўза парваришида жиддий ўзгариш бўлгани йўқ. Партия ва ҳукуматнинг қарорига мувофиқ, областьда июль ойи учун ғўзани парвариш қилиш юзасидан тузилган график тўла бажарилмади. Бу ойда чопиқ графиги 63,6 процент, культивация бўйича 77,5 процент, суғориш 64,1 процент бажарилди, холос. Рометон, Кармана, Қизилтепа, Пешқу ва Когон районларида июль ойи графиги 45—50 процентдан ошмади.

Область партия комитети ва область ижроия комитети август ойи учун янги график тузидилар. Районларда, колхозларда йиғилишлар бўлиб ўтди. Бу йиғилишларда август ойида ҳосилга ҳосил қўшиш учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Шундан кейин қандай ўзгаришлар бўлди? Афсуски, ҳеқандай ўзгариш бўлмади. Аксинча, август ойида ғўза парвариши сусайтириб юборилди. Июль ойининг сўнгги бешкунлигида областьда ғўза парваришида ишлаган колхозчиларга нисбатан августнинг биринчи бешкунлигида қарийб 6 минг киши камайди. Натижада кейинги бешкунликда илгариги бешкунликларга қараганда иш анча кам бажарилди. Масалан, Бобкент райони июльнинг сўнгги бешкунлигига қараганда, августнинг биринчи бешкунлигида чопиқни 767 гектар, культивацияни 686 гектар кам бажарди.

Кўпчилик колхозларда ғўза парвариши тўхтатиб қўйилган. Ғиждувон районидаги Каганович номли, «Коммунизм», «Ленинизм» ва Сталин номли колхозларнинг раҳбарлари ғўзанинг бўйига ва кўкига ишониб, культивация ўтказмай қўйганлар. Қоракўл районидаги Сталин номли, Бухоро районидаги «Ленинизм», «Маориф», Шофирикон районидаги «Қизил байроқ» колхозларида ғўза чопиқ ва культивация қилинмасдан, фақат бостириб суғорилмоқда.

Областьда айниқса кейинги кунларда трактор культивациясига эътибор бермай қўйилди. Бухоро районидаги 1-нчи МТС, Кармана МТСи, Рометон районидаги 1-нчи МТС, шунингдек Қоракўл МТСларида 15—20 лаб «универсал» тўхтаб ётипти. Бу МТСлардаги ишлаётган ҳарбир тракторнинг кунлик иш унуми 4—5 гектардан ошмайди.

Областьда умумий пахта майдонининг 40 процентидаги ғўза чеканка қилинди, холос.

Бухоро областида ҳамма ердаги ғўза ҳам туташиб, қатор ораларини ишлаш мумкин бўлмай қолдими? Йўқ, ҳали яхши ўсмаган, ҳосилга кирмаган ғўзалар жуда кўп. Лекин бу ғўзаларни қўшимча озиқлантириш, чопиқ ва культивация қилиш йўли блан, уларни яхши ғўзалар қаторига етказиб олиш учун жиддий кураш олиб борилмаётир. Область ва район раҳбарлари колхозчилар оммасини август ойида ҳосилга ҳосил қўшиш учун курашга тўла сафарбар қилиб, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг Мактубида белгиланган тадбирларни бажариш ва илғор колхозларнинг тажрибасини оммалаштириш ўрнига, кўпроқ қарор чиқариш, ва'да бериш блан шуғулланиб, ғанимат фурсатни қўлдан бой бермоқдалар.

С. КАРИМОВ.

Ҳал қилучи фурсат қўлдан бой берилмоқда

(«Қизил Ўзбекистон»нинг Бухоро область мухбиридан)

Кун қиёмдан оққан. Тушки овқат учун заиг урилганига қарамай, «8-нчи март» колхозининг ўртоқ Ғафуров бошлиқ юзцентнерчи звено а'золари ҳар бир туп ғўзанинг тагини юмшатишни ғанимат билиб, тинмай ишламоқдалар.

Колхозчилар блан баравар кетман ураётган ҳосилот советининг раиси ўртоқ Жумаев биз блан суҳбатда бундай деди:

— 1 августдан бошлаб 6-нчи чопиққа тушдик. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг Мактубини муҳокама қилгандан кейин, колхозчиларимиз ҳамма ердаги ғўзани яна икки марта парвариш қилиш мажбуриятини олган эдилар. Ҳозир бу мажбуриятимизнинг ярмини бажариб қўйдик. Чеканка ҳам тугалланди.

Чопиқ ва культивацияга ажратилган 260 колхозчидан 205 киши муттасил бир норма, 50 киши бир ярим-икки норма бажармоқда.

Қоракўл район, Саёт қишлоқ советидаги «8-нчи март» колхозининг а'золари 256 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Колхозда меҳнат намунали ташкил этилиб, барча колхозчилар кундалик иш нормаларини ошириб бажараётганликлари туфайли ғўза парвариши олинган мажбуриятга мувофиқ юқори сифатли ўтказилмоқда.

Шунингдек Шофирикон районидаги «Комсомол», Ғиждувон районидаги «Большевик», «Оқ олтин», Оҳунбоев номли колхозларда ҳам Ўзбекистон ҳукумати ва партия Марказий Комитетининг барча пахтакорларга қарата ёзган Мактубида белгиланган тадбирлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу колхозларда ғўза парваришини тезлатиш блан, мўл ҳосилни йиғиб-териб олишга тайёргарлик ишлари ҳам қизитиб юборилди.

Броқ область бўйича умуман олганда Мактубдан кейин ғўза парваришида жиддий ўзгариш бўлгани йўқ. Партия ва ҳукуматнинг қарорига мувофиқ, областьда июль ойи учун ғўзани парвариш қилиш юзасидан тузилган график тўла бажарилмади. Бу ойда чопиқ графиги 63,6 процент, культивация бўйича 77,5 процент, суғориш 64,1 процент бажарилди, холос. Рометон, Кармана, Қизилтепа, Пешқу ва Когон районларида июль ойи графиги 45—50 процентдан ошмади.

Область партия комитети ва область ижроия комитети август ойи учун янги график тузидилар. Районларда, колхозларда йиғилишлар бўлиб ўтди. Бу йиғилишларда август ойида ҳосилга ҳосил қўшиш учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Шундан кейин қандай ўзгаришлар бўлди? Афсуски, ҳеқандай ўзгариш бўлмади. Аксинча, август ойида ғўза парвариши сусайтириб юборилди. Июль ойининг сўнгги бешкунлигида областьда ғўза парваришида ишлаган колхозчиларга нисбатан августнинг биринчи бешкунлигида қарийб 6 минг киши камайди. Натижада кейинги бешкунликда илгариги бешкунликларга қараганда иш анча кам бажарилди. Масалан, Бобкент райони июльнинг сўнгги бешкунлигига қараганда, августнинг биринчи бешкунлигида чопиқни 767 гектар, культивацияни 686 гектар кам бажарди.

Кўпчилик колхозларда ғўза парвариши тўхтатиб қўйилган. Ғиждувон районидаги Каганович номли, «Коммунизм», «Ленинизм» ва Сталин номли колхозларнинг раҳбарлари ғўзанинг бўйига ва кўкига ишониб, культивация ўтказмай қўйганлар. Қоракўл районидаги Сталин номли, Бухоро районидаги «Ленинизм», «Маориф», Шофирикон районидаги «Қизил байроқ» колхозларида ғўза чопиқ ва культивация қилинмасдан, фақат бостириб суғорилмоқда.

Областьда айниқса кейинги кунларда трактор культивациясига эътибор бермай қўйилди. Бухоро районидаги 1-нчи МТС, Кармана МТСи, Рометон районидаги 1-нчи МТС, шунингдек Қоракўл МТСларида 15—20 лаб «универсал» тўхтаб ётипти. Бу МТСлардаги ишлаётган ҳарбир тракторнинг кунлик иш унуми 4—5 гектардан ошмайди.

Областьда умумий пахта майдонининг 40 процентидаги ғўза чеканка қилинди, холос.

Бухоро областида ҳамма ердаги ғўза ҳам туташиб, қатор ораларини ишлаш мумкин бўлмай қолдими? Йўқ, ҳали яхши ўсмаган, ҳосилга кирмаган ғўзалар жуда кўп. Лекин бу ғўзаларни қўшимча озиқлантириш, чопиқ ва культивация қилиш йўли блан, уларни яхши ғўзалар қаторига етказиб олиш учун жиддий кураш олиб борилмаётир. Область ва район раҳбарлари колхозчилар оммасини август ойида ҳосилга ҳосил қўшиш учун курашга тўла сафарбар қилиб, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг Мактубида белгиланган тадбирларни бажариш ва илғор колхозларнинг тажрибасини оммалаштириш ўрнига, кўпроқ қарор чиқариш, ва'да бериш блан шуғулланиб, ғанимат фурсатни қўлдан бой бермоқдалар.

С. КАРИМОВ.

Ерёнғоқни қандай парвариш қилиш керак

Ерёнғоқ Ўзбекистонда янги ўсимлик ҳисобланади. 1941 йилда Ўзбекистонда 4 минг гектарга яқин ерга ерёнғоқ экилган эди. Ҳосил миқдори гектарига 1936 йилдаги 5 центнердан 1941 йилда 12 центнергача кўтарилди.

Ерёнғоқ экучи колхозлар шу қисқа муддат ичида бу экин агротехникасини яхши эгаллаб, ҳосил миқдорини гектарига 35 центнергача етказдилар. Мисол учун Оржоникидзе районидаги Пушкин номли, Қорасув районидаги «XVIII Партс'езд», Тошкент қишлоқ районидаги «2-нчи Бешйиллик» ва бошқа колхозларни кўрсатиш мумкин. Лекин Улуғ Ватан уруши йилларида ерёнғоқ майдонлари жуда камайиб қолди.

1946 йилдан бошлаб ерёнғоққа яна катта э'тибор берилабошлади. Шу йилги Ўзбекистонда ерёнғоқ майдони 2 минг гектарга етди.

СССР Олий Совети Президиуми ерёнғоқ етиштиришда ишлаётган колхозчиларни ва қишлоқ хўжалик ходимларини рағбатлантириш мақсадида ерёнғоқдан юқори ҳосил олганлик учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш, СССР орден ва медальлари блан мукофотлаш ҳақида фармон чиқарди.

Бу талбир Совет ҳукумати ерёнғоқ экиш ишини ривожлантириш тўғрисида ва ундан юқори ҳосил етиштираётган кишилар ҳақида катта ғамхўрлик қилаётганлигини яққол кўрсатади.

Ерёнғоқ мойли ўсимлик бўлиб, дуккакли экинлар қаторига киради. Ерёнғоқ пояси ер бағирлаб ўсади ёки тикка ўсади. Бинобарин, ерёнғоқ икки группага — тик ва ер бағирлаб ўсучи группага бўлинади. Тик ўсучи ерёнғоқнинг бўйи 50 — 75 сантиметр бўлади. Ер бағирлаб ўсучи ер ёнғоқнинг пояси 90 — 100 сантиметрга етади ва ундан ҳам ошади.

Ўзбекистонда тик ўсучи ерёнғоқ экилади. Майда мевали 032/76 деган ерёнғоқ, йирик мевали 112-нчи нав' стандарт нав'лар ҳисобланади. Ўсимликшунослик институтининг Ўрта Осиё тажриба станциясида етиштирилган бу икки нав' яхши парвариш қилганда гектарига 30 — 35 центнергача ҳосил беради.

Ерёнғоқдан юқори сифатли ёғ чиқарилади. Ерёнғоқ мойи ўзининг ҳимиявий таркиби ва мазаси жиҳатидан юқори нав'ли прован ва бодом мойига яқинлашади. Пўсти тозаланган ер ёнғоқдан 58 — 60 процентгача ёғ чиқади.

Ерёнғоқ кунжараси муҳим озиқ маҳсулоти ҳисобланади. Унда 45 процентгача оқсил ва 6 процентгача ёғ бор. Ерёнғоқ кунжарасининг яхши нав'лари кондитер саноатида халва, печенье, какао тайёрлаш учун ишлатилади. Ерёнғоқ кунжараси унига бироз буғдой уни қўшиб, жуда мазали ва тўйимли нон ёпиш мумкин.

Ерёнғоқ пояси молга бериш учун бедадан қолишмайди. Қорамол ва чўчқалар ерёнғоқ поясини жуда яхши ейдилар. Бундан ташқари, дуккакли экин ҳисобланган ерёнғоқ ҳамма экинлар учун тупроқни яхшилайди. Демак ерёнғоқнинг ҳамма маҳсулоти исте'мол қилинади.

Ўзбекистон шароитида ерёнғоқдан юқори ҳосил олиш учун асосий шарт — тупроқни доим юмшоқ ҳолда тутишдан, ёввойи ўтлардан тозалашдан, ўз вақтида суғоришдан ва қатор ораларини юмшатиб туришдан иборатдир.

Ерёнғоқ тагини ўз вақтида юқори сифатли чопиқ қилиш ғоят муҳимдир. Ҳар тупда қанча кўп дуккак тугилса, ҳосил шунча кўп бўлади. Ма'лумки, ерёнғоқ ўзининг биологик хусусиятлари бўйича бошқа мойли ва дуккакли ўсимликлардан анча фарқ қилади. Ерёнғоқнинг асосий хусусияти шундан иборатки, унинг дуккаклари тупроққа ривожланади. Гуллаб бўлгандан кейин тугин (генофор) ўсабошлайди. У тезда 8—10 сантиметргача етади. Тугин ерга бирмунча ботиб киргандан кейин, дуккак ҳосил бўлабошлайди. Шоналаш ва тугун ҳосил қилиш поянинг пастки қисмидан бошланиб юқорилаб боради. Демак, тугунлар пояда нақадар юқори бўлса, ердан шунчалик узоқлашади, уларнинг тупроққа кириши шу қадар қийинлашади.

Шундай қилиб, поянинг ўрта ва юқори қисмларида ҳосил бўлган тугунлар одатдаги чопиқ усулида ерга тегмайди ва дуккак олмай қуриб қолади. Натижада, ҳосил анча камаяди. Ерёнғоқ поясининг атрофинигина чопиқ қилиш кутилган натижани бермайди. Бундай чопиқ қилганда ерёнғоқ пояси ҳар икки томонидан тупроқ блан қисиб қўйилади, поя тик қолида қолади, уйилган тупроқ поянинг кўп деганда тўртдан бир қисмини қоплайди, холос.

Мумкин қадар кўпроқ тугунларнинг ерга ботиб кириб, кўп дуккак олиши учун ҳозирги чопиқ усули ўрнига, поя ўртасини тупроқ блан кўмиш усулини қўлланиш керак. Поялар ўртаси тупроқ блан кўмилганда анча кўп тугун (генофор) тупроқ ичида қолади. Бундан ташқари, тупроқ ўз оғирлиги блан пояни ерга энгаштиради. Шу сабабли ўсган тугунлар ерга бемалол етиб тупроққа ботиб киради ва дуккак олади.

Биз ерёнғоқ пояларини ўртадан тупроқ блан кўмиш усулини тажриба қилиб кўрдик. Ёпидан чопиқ қилганда гектарига 27 центнердан, поя ўрталарини кўмганда гектаридан 35,6 центнердан ҳосил олинди. Шундай қилиб, бу усул ҳосилни гектарига 31,9 процент оширди.

Ерёнғоқ пояларн орасини кўмиш тажрибаси турли вақтда ўтказилди. Поя оралари бир мартадан уч мартагача кўмилди. 20 апрельда экилган ерёнғоқ пояларини 8 августда кўмиш яхши натижа берди.

Поя ўртасини кўмишни ҳосил бўлган тугунларга қараб ўтказиш керак. Поя оралари бир марта кўмилади. Кўмиш олдида қатор ораларида тупроқ юмшоқ, нам, донадор бўлиши керак. Бир туп ерёнғоқ поясига икки кетман тупроқ кифоядир. Поянинг кўпи ярмигача кўмилади. Кўмилгандан кейин суғориш эгатлари олинади. Шундан сўнг то ҳосил йиғиб олингунча суғоришдан бошқа ишлар тўхтатилади. Бу янги усул, барча агротехника қоидаларига риоя қилганда, ҳосилни оширишга ёрдам беради.

И. МАЛИКОВ.
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қишлоқ хўжалиги институтининг младший илмий ходими.

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Бир бошқарманинг жиддий хато ва камчиликлари ҳақида“

«Қизил Ўзбекистон»нинг шу йил 18 июль сонида юқоридаги сарлавҳа остида мақола босилган эди. Мақолада Ўзбекистон ССР Сув хўжалик министрлигига қарашли Сув хўжалик ишларини машиналаштириш бошқармаси (бошлиғи, министр ўринбосари Ўртоқ А. Ф. Мичурин) ирригация ишларига қониқарсиз раҳбарлик қилаётганлиги, бошқарма аппаратида тўрачилик авж олганлиги, бошқарма механизатор кадрларни тайёрлаш ишига маъ'улиятсизлик блан қараб келаётганлиги танқид қилинган эди.

Ўзбекистон ССР Сув хўжалик министри Ўртоқ Шамсудинов бу мақола сув хўжалик ишларини машиналаштириш бошқармаси коллективи томонидан муҳокама қилинганлигини, унда кўрсатилган фактлар асосан тўғри деб топилганлигини редакциямизга хабар қилди.

Ўзбекистон ССР Сув хўжалик министрлиги мақолада кўрсатилган камчиликларни тугатиш ва сув хўжалик ишларини машиналаштириш бошқармасининг ишини яхшилаш ҳақида амалий тадбирлар белгилади. Шу блан бирга, илғор машина-экскаватор станцияларининг ишг тажрибаларини оммалаштириш, механизатор кадрларни тайёрлаш ва ирригация ишларига раҳбарликни кучайтириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бошқарма учун қурилабошлаган бино қурилиш материалларини талон-торож қилган шахсларни суд жавобгарлигига тортиш учун, қурилиш ишг тергов органлари томонидан қайтадан ревизия қилинмоқда.

КИНО

„Хитой қизлари“

Шу кунларда Совет Иттифоқининг кино экранларида «Хитой қизлари» деган бадиий овозли фильм кўрсатилмоқда. Бу фильмни бутун совет халқи зўр иштиёқ блан тамоша қилмоқда.

«Хитой қизлари» фильми қаҳрамон хитой халқининг ўз миллий озодлиги, мустақиллиги ва бахт-саодати учун олиб борган мардона курашини, хитой қизларининг тилларда достон бўлиб қолган шонли ан'аналарини ва икки буюк давлат — СССР блан Хитой халқлари ўртасидаги асрий дўстликни, биродарликни ишончли, жонли ва реал тасвир этиб беручи ажойиб асардир.

...1931 йил. Японлар Хитойга қарши ваҳшийларча ҳужум бошлайдилар. Улар Маньчжурия тупроғи орқали Хитойга бостириб кирадилар. Хитой халқининг хоинлари Чан Кай-ши ва Ван Цзинвейнинг буйруғига мувофиқ гоминдан армиясининг қўшинлари японларга ҳеч қандай қаршилик кўрсатмай, Маньчжурияни бўшатиб чиқадилар ва Хитойнинг ички районларига чекинадилар. Японлар эса бутун Маньчжурияни босиб оладилар. Маньчжурия халқи япон империалистларининг зулми остида қолади. Ана шу оғир ва даҳшатли кунларда ҳамма ерда коммунистларнинг бутун халқни япон босқинчиларига қарши курашга чақириуви оташин сўзлари, шиорлари жаранглаб эшитилади. Халқ коммунистлар партияси ва унинг доҳиси Мао Цзе-дун раҳбарлиги остида ўз ватанининг мустақиллиги ва озодлиги учун, япон босқинчиларига қарши, гоминданчи сотқин раҳбарларнинг хоинлигига қарши курашга отланади. Юзларча ва минглаб хитой деҳқонлари, ишчилари, хотин-қизлар партизан отрядларига, халқ армияси сафларига кирадилар.

Бошпанасиз қолган, ҳуқуқлари топталган халқнинг ватан душманлари ва хоинларга қарши нафрат ва ғазаби кундан-кун ўса боради. Мукден губернаси бошқармаси мамлакатда коммунистик та'сирни тезроқ йўқотиш мақсадида, деҳқонларни тоғлик ва ўрмонзорлик жойларга кўчириш ҳақида буйруқ чиқаради ва японлар назорати остидаги қишлоқларнинг аҳолисига бу қишлоқлардан дарҳол чиқиб кетиш таклиф этилади. Акс ҳолда, энг қаттиқ жазо бериш блан қўрқитилади. Бу ҳабар қишлоқ аҳолисининг ғазабини яна ҳам оширади. Полиция қишлоқларда изғиб, деҳқонларга: «Японлар кечаси қишлоғингизни ва кулбаларингизни ёндирадилар. Бу ердан кетинглар! Акс ҳолда, сизлар ҳам ёндириласиз», деб таҳдид қилади. Япон босқинчиларининг бу ваҳшийлигидан дарғазаб бўлган халқ жонажон қишлоқларини ташлаб, тоғларга, ўрмонзорларга бадарға бўлади. Япон солдатлари қишлоққа бостириб кирадилар. Оч-яланғоч кекса деҳқонларнинг бир қисми, ёш болалар қишлоқдан чиқиб улгирмаган эдилар. Японлар қишлоққа ўт қўядилар, кампирларнинг қўлларидаги энг сўнгги тугунларини, халқнинг мол-мулкини талайдилар. Қишлоқ ёнғин ичида қолади. Деҳқон аёл Ху Сю-чжининг бемор эри япон солдати томонидан ваҳшийларча ўлдирилади. Кексаларнинг доф-фар'ёди, болаларнинг қичқириқлари юракларни эзиб юборади.

Бу даҳшатли аҳвол хитой халқининг япон босқинчиларига қарши кундан-кун кучайиб бораётган нафрат ва ғазабини янада оширади. Бу ғазаб ва нафрат ўти шундай кучли бўладики, энди уни ҳечқандай куч, ҳечким ҳечқачон ўчираолмайди. Кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган бу ваҳшийликка жавобан халқ яна ҳам кучлироқ кўтарилади. Коммунистлар японларнинг хоинликларини ва халққа келтирган азоб-уқубатларини ҳамма ерда тушунтириб берадилар. «Қўлга қурол олинг, ўртоқлар! Биз учун бошқа йўл йўқ!» Бу сўзлар Хитойнинг барча деҳқонларига, катта ва кичик аҳолисига яшин тезлигида бориб етади. Душмандан қасос олиш учун мингларча кишилар партизанлар отрядига қўшиладилар. Улар орасида Ху Сю-чжи ҳам бор эди.

Партизан отрядларининг сафлари кундан-кун ўсаборади. Улар японларга қарши курашни тобора кучайтирадилар. Лекин партизанлар дастлабки кунларда оғир қийинчиликларга дуч келадилар. Яродорларни даволаш учун дори-дармон йўқ, озиқ-овқат сумкалари бўм-бўш. Ҳеч'кердан мадад келмайди. Улар ўрмонларда ўсган ўтларни исте'мол қилиш блан кун кечирадилар. Ана шундай оғир шароит ва қийинчиликлар ҳам, ҳарқандай машаққатлар ҳам ўз озодлиги учун курашга отланган қаҳрамон халқнинг иродасини, ғалабага бўлган ишончини буколмайди. Бу қийинчиликлар уларни жангда яна ҳам мард ва жасур бўлишга ўргатади.

Халқнинг энг яхши фарзандлари душманнинг орқа томонидаги шаҳар ва районларда яширинча иш олиб бориш учун юборилади. Булар орасида партизан отрядининг командири, камтар ва сезгир Чжоу ҳам бор. У партизан қизлар отрядининг сиёсий раҳбари — ўз севгилиси Лин-Юнь блан хайрлашркан, уларнинг халқ иши учун, ватан озодлиги учун бутун ҳаётларини бағишлашга тайёр турганликлари тамошабинга ёркин кўринади.

...1937 йил. Япон империалистларининг қўшинлари ва улар томонидан тузилган Манъ чжоу-Го кўғирчоқ ҳукумат қисмлари Шимолий Хитойга бостириб кирадилар. Коммунистлар партияси ва унинг доҳиси Мао Цзе-дун бутун хитой халқини японларга қарши ягона халқ фронтига бирлаштирадилар. Мамлакатнинг ҳамма томонида япон империалистларига, уларнинг малайларига, хитой халқининг хоинлари ва сотқинларга қарши озодлик уруши яна ҳам кучли ва қудратли тус олади. Маньчжуриядаги партизан отрядлари қаҳрамонларча жанг қилиб, япон ва Манъ чжоу-Го армияларига бирнеча бор қақшатгич зарбалар берадилар ва уларнинг аскарларини қириб ташлаб, қурол-аслаҳаларини ўлжа оладилар ҳамда уларнинг ички Хитойга армия киритишларига йўл бермайдилар. Фильмда партизан отрядларининг курашги жуда реал кўрсатиб берилган. Партизан отрядларида эркаклар блан ёнмаён туриб курашган хотин-қизлар ҳарқаерда, ҳарқандай оғир жангда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатадилар. Бу қизлар революцион руҳда ва пролетар интернационализми руҳида тарбияланган ажойиб ватанпарварлардирлар.

Коммунистлар партияси олиб борган ғоят катта сиёсий-тарбиявий ишлар жангчиларнинг сиёсий онгини оширишга ва уларни душманга қарши қаҳрамонларча жанг қилишга хизмат қилади. Лин-Юнь раҳбарлигидаги партизанлар ватан озодлиги ва ин-шон-шарафи учун курашни ҳамма нарсадан ҳам устун қўядилар. Бу отрядаги хитой қизлари блан бир қаторда, қурия қизлари ҳам японларга қарши курашадилар. Улар ҳам империалистларнинг зулми остида азоб чекишки ва қул бўлишни истамайдилар.

«Хитой қизлари» фильмда бош қаҳрамонлардан бири Ху Сю-чжи образида ўз ватанининг озодлиги учун қаҳрамонларча жанг қилган хитой халқининг мингларча ватанпарвар қизларини кўз олдимизга келтирамиз. Уй-жойидан ажралган, кимсасиз ва бошпанасиз қолган, эри японлар томонидан қуйдириб ўлдирилган бу аёлнинг партизан отрядига кириши жуда яхши тасвирланган. У бу ерда хитой халқининг душмани ким эканлигини яхши билиб олади. Кунлар ўтиши блан унинг онги ўсаборади. У чиниқади ва отаиши қурашчи бўлиб етишади. Ху Сю-чжи ҳарқандай оғир шароитда ҳам барча қийинчиликларга бардош бериб, япон босқинчиларига қарши мардона курашади ва отрядда энг яхши жангчилардан бири бўлиб етишади. Унинг коммунистлар партияси қаторига қабул қилиниши тамошабинда катта таассурот қолдиради. Ху Сю-чжи партияга киратуриб, бундай деб қасам'ёд қилади: «Партиянинг барча қарорларини бажаришга қасам'ёд қиламан. Японлар блан энг охиригача курашаман. Душманлар олдида таслим бўлмайман. Пролетариат иши учун охиригача курашаман. Партия сирини маҳкам сақлайман ва партия ишига ҳеч'қачон хиёнат қилмайман!

Яширин ишда юрган коммунист Чжоуни японлар ушлаб олиб, тириклайин ерга кўмганлари ҳақидаги қайғули хабар эшитилганда, партизанлар унинг учун ўч олишга қарор қиладилар.

Лин-Юнь раҳбарлигидаги партизанлар душманнинг ўқ-дори ортилган эшелонини яксон қилиш ҳақида буйруқ оладилар. Партизанларнинг кўприкни усталик блан портлатишлари ва эшелонни сувга ғарқ қилишлари жуда ҳаяжонли ва та'сирли берилган. Японлар партизанларнинг лагерини ўраб олиш ва уларни қириб ташлаш мақсадида ҳужумга ташланадилар. Лин-Юнь раҳбарлигидаги партизанлар японларнинг йўлини тўсишга, бунинг учун керак бўлса ўз жонларини ҳам қурбон қилишга, бу блан партизан отрядларининг асосий кучларини ҳалокатдан сақлаб қолишга қарор қиладилар. Икки ўртада бошланган жанг даҳшатли тус олади. Партизан хотин-қизлар япон босқинчиларига қарши тенгсиз кураш олиб борадилар. Улар ўрмонзорликка чекинадилар. Лин-Юнь ва унинг жонгровар дугоналари олдинги сафларда мардлик блан кураш олиб бориб, бошқа дўстларини ҳимоя этадилар. Хитой қизлари ўз ватанининг озодлиги, хитой халқининг бахт-саодати ва янги Хитой учун мардларча жанг қиладилар. Лекин душманнинг дайди ўқи сиёсий раҳбар Лин-Юньни яradор қилади. Унинг жонгровар дўсти Ху Сю чжи Лин-Юньнинг жасадини ўз елкасига кўтариб олиб, отрядга қўмондонлик қилади. Ана шу пайтда тирик қолган бошқа қизларнинг бутун халқ олдида, ўзларининг шонли командирлари Лин-Юнь олдида мағрурлик блан ичган қўйидаги қасам сўзлари жаранглаб эшитилади: «Ўртоқлар, биз ўз бурчимизни бажардик. Қаршимизда — дар'ё, орқада — душман. Биз учун бошқа йўл йўқ. Бизнинг ҳаммамиз коммунистлармиз. Умумий ишимиз учун жон фидо қилиш пай

Хавфсизлик Совети а'золарининг ғайри-расмий мажлиси

НЬЮ-ЙОРК, 10 август. (ТАСС). Бугун Хавфсизлик Советининг ғайрирасмий мажлиси очилишидан бир соат илгари Хавфсизлик Совети а'золари, шу жумладан СССР вакили Я. А. Малик ғайри расмий ёпиқ мажлисга йиғилдилар.

Бу ёпиқ кенгаш бир ярим соатча давом этди, шу сабабли Хавфсизлик Советининг расмий мажлиси кечикиб бошланди.

Хавфсизлик Советининг 10 августдаги мажлиси

НЬЮ-ЙОРК, 10 август, (ТАСС). Бугун икки кун давом этган танаффусдан кейин совет вакили Я. А. Малик раислигида Хавфсизлик Советининг мажлиси бўлди. Мажлис америка делегациясининг таклифи билан икки кунга кечиктирилган эди. Шу вақт ичида инглиз-америка иттифоқидаги делегациялар ўзаро бирқанча махфий кенгашлар ўтказдилар.

Ма'лумки, Хавфсизлик Советининг бундан аввалги мажлисларида Америка Қўшма Штатлари делегацияси ва унинг шериклари Хавфсизлик Советининг Қурия масаласини тинч йўл билан ҳал этиш тўғрисида Совет Иттифоқи киргизган таклифларни муҳокама қилишига ҳалақит бериш мақсадида атайин ўртага қўйилган иш тартибига доир бирқанча майда масалаларга э'тиборни жалб қилдилар. Бу тактика асосан қўғирчоқ Ли Син Ман тўдаси вакилини Хавфсизлик Совети мажлисига таклиф этишни, шу билан бирга Қурия халқ-демократик республикаси вакилини мажлисга чақирмасликни кўзда тутади.

Малик мажлисни очиб қисқача баён этди. Хавфсизлик Совети а'золари ўртасида аввалги мажлисларда кўтарилган масалалар юзасидан ғайрирасмий фикр олишув бўлганлигини айтди. Бу фикр олишув натижасида, — деди Малик, — ҳар икки томоннинг фикри аввалгича ўзгармай қолганлиги ма'лум бўлди.

Сўнгра Малик бугдан буён ҳам зарур бўлган вақтларда ғайри-расмий кенгашлар ўтказишга қарор қилинганлигини айтди.

Биринчи бўлиб гоминданчи Цзян Тин-фу сўзга чиқди. У яна Малик қўғирчоқ Ли Син Ман тўдаси вакилини Хавфсизлик Совети мажлисига таклиф этиш масаласи ҳақида «қарор» чиқарсин деб талаб қилди. Цзян Тин-фу бунинг бирёқлама ҳаракат бўлажагини э'тиборга олмай, Малик Хавфсизлик Советининг иш тартиби қоидаларини бузди, шунингдек Хавфсизлик Советининг 25 июньда қабул қилган «қарори»ни бузди деб да'во қилди. У. Маликнинг ҳатти-ҳаракати «аҳволни жиддийлаштираётир», деди.

Сўнгра Америка Қўшма Штатлари вакили Остин сўзга чиқиб, гоминданчини қувватлади. Остин ўзи томонидан қўйилган аввалги айбни такрорлаб, Малик Хавфсизлик Совети раиси сифатида Хавфсизлик Советининг Қурия масаласини тинч йўл билан ҳал этиш тўғрисида Совет Иттифоқи киргизган таклифларни муҳокама қилишига ҳалақит бериш мақсадида атайин ўртага қўйилган иш тартибига доир бирқанча майда масалаларга э'тиборни жалб қилдилар. Бу тактика асосан қўғирчоқ Ли Син Ман тўдаси вакилини Хавфсизлик Совети мажлисига таклиф этишни, шу билан бирга Қурия халқ-демократик республикаси вакилини мажлисга чақирмасликни кўзда тутади.

Малик мажлисни очиб қисқача баён этди. Хавфсизлик Совети а'золари ўртасида аввалги мажлисларда кўтарилган масалалар юзасидан ғайрирасмий фикр олишув бўлганлигини айтди. Бу фикр олишув натижасида, — деди Малик, — ҳар икки томоннинг фикри аввалгича ўзгармай қолганлиги ма'лум бўлди.

Сўнгра Малик бугдан буён ҳам зарур бўлган вақтларда ғайри-расмий кенгашлар ўтказишга қарор қилинганлигини айтди.

Биринчи бўлиб гоминданчи Цзян Тин-фу сўзга чиқди. У яна Малик қўғирчоқ Ли Син Ман тўдаси вакилини Хавфсизлик Совети мажлисига таклиф этиш масаласи ҳақида «қарор» чиқарсин деб талаб қилди. Цзян Тин-фу бунинг бирёқлама ҳаракат бўлажагини э'тиборга олмай, Малик Хавфсизлик Советининг иш тартиби қоидаларини бузди, шунингдек Хавфсизлик Советининг 25 июньда қабул қилган «қарори»ни бузди деб да'во қилди. У. Маликнинг ҳатти-ҳаракати «аҳволни жиддийлаштираётир», деди.

Сўнгра Америка Қўшма Штатлари вакили Остин сўзга чиқиб, гоминданчини қувватлади. Остин ўзи томонидан қўйилган аввалги айбни такрорлаб, Малик Хавфсизлик Совети раиси сифатида Хавфсизлик Советининг Қурия масаласини ҳал қилишига тўсқинлик қилмоқда, кун тартиби юзасидан қарор чиқаришдан бош тортмоқда, деб да'во қилди.

Шу билан бирга Остин уруш вақтида Қурия тўғрисида иттифоқчилар ўртасида тузилган битимда урушдан кейин Қурияга озодлик ва мустақиллик бериш кўзда тутилганлигини э'тироф қилди ва мамлакатни 38-ни параллель бўйича иккига бўлиш таслим бўлган япон қўшинларини қабул қилиб олиш мақсадида кўрилган вақтинча ҳарбий тадбир эди, деди. Остин бу линия сиёсий чегара эмас эди деб ирод бўлди.

Остин Совет Иттифоқи 38-нчи параллельни «аниқ белгиланган чегарага» айлантирабошлади деб да'во қилди, Америка Қўшма Штатлари бу чегарани тугатишни ва бирлашган Қурия ҳукумати тузишни бирнеча марта талаб қилди, деди. Сўнгра Остин Бош Ассамблеянинг 1947 ва 1948 йилларда қабул қилинган резолюцияларини далил қилиб кўрсатди, оккупациячи давлат бўлган Совет Иттифоқи Бош Ассамблея тузган комиссиянинг Шимолий Қурияга боришига йўл қўймади, деди.

Остин узундан-узоқ нутқини давом эттириб, америкаининг Қуриядаги агрессиясини «тинчликни ҳимоя қилувчи» ҳаракат деб тасвирлашга уринди. Остин уялмай-нетмай, Қурия халқ-демократик республикаси қурия халқининг вакили эмас, балки Ли Син Ман тўдаси қурия халқининг вакилидир, деб да'во қилди. У Қурия Халқ армияси Жанубий Қурияга «бостириб кирганлиги» тўғрисидаги америка гапини қайта-қайта такрорлади.

Остин Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Совет Иттифоқининг Қуриядан ўз қўшинларини ҳақиқатан ҳам олиб кетганлигини ҳечқачон текшираолмади деб да'во қилиб, уруш ҳаракатларининг бориши шимолий қуриялиларнинг Жанубий Қурияга бостириб кириши узоқ вақт давомида пухта тайёрланиб келганлигини кўрсатди, деди. Остин Хавфсизлик Советининг Қуриядаги америка интервенциясини қувватлаган ҳаракатларини кўздан кечириб, бу масаладаги асосий қоидалар равшан, деди.

Остин тажанг бўлиб, бирқанча савол берди ва уларга ўзи жавоб қайтарди. Бу савол ва жавоблар Қурия Халқ армиясини «агрессор» деб тасвирлашга, Совет Иттифоқи Қурия халқ-демократик республикасига бўлган та'сиридан фойдаланиб, Қуриядаги низо'ни бартараф қилиши мумкин эди, деган таассурот қолдиришга кўзда тутади.

Остин Қурия масаласини тинч йўл билан ҳал қилишни кўзда тутган совет резолюциясини камситишга бехуда уриниб, америка резолюциясини қабул қилишга чақирди. Остиннинг айтишича, америка резолюцияси чинакам «жонли» ва тинчликни та'минлашга қаратилган эмиш. Остин, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти барча «потенциал агрессорларни» аниқ огоҳлантирадиган ва ҳар бир агрессиянинг тўла барбод бўлишини та'минлайдиган чораларни кўриши керак, деди.

Остин ўз сўзининг охирида, менинг томонимдан таклиф этилган резолюция амалий тадбир бўлиб, Америка Қўшма Штатлари 25 июньдан буён интилган асосий мақсадни, я'ни Қуриядаги агрессияни тўхтатишга уринишни, бунга эришгунча, бу агрессиянинг ёйилишига тўсқинлик қилишни кўзда тутади, деди.

Остин гапириб бўлганидан кейин раис Малик, яна сўзга чиқишни истаган кишилар борми, деб сўради. Лекин ҳечким сўзга чиқишни истаганлигини айтмади. Шундан кейин Малик бундай деди: Бу ҳолда Хавфсизлик Совети энг шошилинч масалани, я'ни Қурия халқ-демократик республикасининг ташқи ишлар министрдан яқинда олинган телеграммани муҳокама қилишга киришиши мумкин. Бу телеграммада Америка ҳарбий-ҳаво кучларининг Қуриядаги тинч шаҳар ва аҳолини ваҳшийларча бомбардимон қилишига қарши норозилик билдирилган. Малик бу масала юзасидан Совет Иттифоқи резолюция тақдим этганлигини эслатиб ўтди.

Америка Қўшма Штатлари вакили Остин, гоминдан вакилининг таклифига биноан раис кун тартиби юзасидан қарор қабул қилсин, деб яна талаб этди.

Малик мажлис бошланиши билан берган изоҳотини яна такрорлади, я'ни бундай деди: Хавфсизлик Совети а'золари ўртасида бўлиб ўтган ғайри расмий фикр олишув натижасида уларнинг фикри ўзгармай аввалгича қолганлиги ма'лум бўлди, бинобарин Хавфсизлик Совети бундай ғайри расмий фикр олишув келажакда ҳам бўлиши мумкин деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳозирги вақтда бу масалага қайтиш учун ҳечқандай асос йўқ, чунки Хавфсизлик Советининг ҳамма а'золари жуда яхши тушунадиларки, раис Америка Қўшма Штатлари ва гоминдан вакиллари икки мажлисдан буён зўр бериб талаб қилаётган қарорни чиқариш имкониятига эга эмас.

Остин бу фикрга қарши чиқиб, раиснинг «қарори»га қўшилмаганлигини айтди. Остин, раис масалани овозга қўймаслик учун асос сифатида мажлис бошида қилган баёнотига суяниб хато қилади, деди.

Англия вакили Жебб сўзга чиқиб, Остин билан Цзян Тин-фуни қувватлади. Малик Ли Син Ман тўдаси вакилини мажлисга чақириш тўғрисида қарор чиқарсин, деб талаб қилди.

Малик жавоб бериб бундай деди: масала шундай: Америка Қўшма Штатлари амалда бўлмаган «қарор»га қарши чиқмоқда. Хавфсизлик Совети раиси ҳечқандай қарор чиқаргани йўқ ва ҳозирги вақтда у қарор чиқариш имкониятига эга эмаслигини ва шунинг учун бунга қарши э'тироз билдириш мумкин эмаслигини очиқ айтди.

Сўнгра Малик Остиннинг узундан-узоқ нутқига жавоб бериб, Америка Қўшма Штатлари вакили Қурия масаласини нотўғри талқин қилади, деди. Малик бундай деди: Остин ўз нутқида Совет Иттифоқига нисбатан бирқанча туҳмат, асоссиз гапларни айтди. Совет Иттифоқи бундан аввалги икки баёнотида ўз нуқтаий назарини баён қилиб берди ва агрессия тушунчасини та'рифлаб берган халқаро ҳуқуқ умумий қоидаларига асосан Америка Қўшма Штатлари агрессор эканлигини исбот қилиб берди.

Совет Иттифоқи шимолий қуриялиларга қурол-яроғ етказиб берганлиги тўғрисида Остин нутқида қилинган имога келганда, бу бехуда уйдирмадир. Қурия халқ қўшинлари қўлидаги қурол-яроғ,—деди Малик,—Совет Иттифоқи Қуриядан қуролли кучларини олиб кетган вақтда шимолий қуриялилар ихтиёрида бўлган қурол-яроғдир. Малик ҳозирги вақтда фақат ана шу масалага тўхталиб ўтишни истаганлигини, Остин нутқидаги бошқа масалалар ҳақида кейинчалик батафсил гапиражагини айтди.

Куба вакили Альварес лаганбардорларча итоат билан Америка Қўшма Штатлари тутган йўлни қувватлади ва, Малик «қарор» чиқаришни пайсалга солиш тактикасини қўллаяпти, деди. Шу пайтда Остин яна баланд овоз билан, Малик «қарор» чиқарди, я'ни Цзян Тин-фу таклиф этган кун тартиби биринчи навбатда таклиф этилган кун тартиби эмас деб қарор қилди, деди. Остин, Америка Қўшма Штатлари Маликнинг бу «қарори»га қарши, деди. Остин бу масалани овозга қўйишни талаб қилди.

Малик ҳечқандай қарор чиқармаганлигини ва қарор чиқариш имкониятига эга эмаслигини яна сабр билан тушунтирди. Малик, Остиннинг бундай найрангларни ишлатишга ва Хавфсизлик Совети раиси чиқармаган қарорни Хавфсизлик Совети раиси чиқарди деб да'во этишга қандай ҳаққи бор, деб сўради.

Бошқа вакиллардан бироптаси ҳам сўзга чиқишни истамаганлиги сабабли, Малик мажлисни ёпди ва келгуси мажлис 11 августда чақирилади деб э'лон қилди.

ИНДОНЕЗИЯДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

ГААГА, 10 август. (ТАСС). АНП агентлиги билдиради: Макассарда (Целебес ороли), шунингдек Буру ва Церем оролларида Голландия қўшинлари билан индонезиялилар ўртасида жанглар давом этмоқда.

Голландия қўмондонлиги ўз қўшинларига ёрдам бериш учун «Кортенар» миноносини макассарга юборди. Шу муносабат билан Индонезия Қўшма Штатларининг ахборот министрлиги Жакартада Голландия миноносининг Макассар портига юборилиши индонез халқига қарши қаратилган агрессия эканлигини айтди.

МАКАРТУР ЯПОН ҲАРБИЙ ЖИНОЯТЧИЛАРИНИ ҚАМОҚДАН ОЗОД ҚИЛМОҚДА

ШАНХАЙ, 10 август. (ТАСС). Токиодан олинган хабарларга қараганда, Макартур штаби япон ҳарбий жиноятчиларидан уч киши муддатидан илгари озод қилинажагини билдирган. Булар орасида Япония армиясининг илгариги генерал-лейтенанти Ваци ва полковник Мацуда ҳам бор.

Қуриядаги воқиалар

ҚУРИЯ ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРМИЯСИ БОШ ҚЎМОНДОНЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

ПХЕНЬЯН, 10 август. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги 10 август эрта блан қуйидагиларни билдирди: Халқ армиясининг қисмлари барча фронтларда америка қўшинларига ва лисинманчи қўшинларга қарши шиддатли жангларни давом этдирдилар.

Америка қўшинлари Нактонган (Ракуто-Ко) дар'ёсининг ўрта оқими бўйлаб ўз куч ларини тўплаб, қаттиқ қаршилик кўрсатишни давом этдирмоқдалар.

Халқ армияси қўшинларининг ҳамма турлари биргаликда ҳаракат қилиб, америка қўшинларининг ва лисинманчи қўшинларнинг танк, артиллерия, пиёда аскар қисмларига ва бошқа қисмларига зарба бермоқдалар.

Халқ армияси қисмлари жанубий қирғоқ районида америка танк қисмларининг қарши атакаларини қайтариб ва америка қўмондонлигининг ҳарбий кемалардан тўпга тутиб десант тушириш йўлидаги уринишларини қайтариб, ҳужум жангларини давом этдирмоқдалар. Халқ армиясининг авиацияси душманнинг тўпланиб турган қўшинларига ҳамда унинг ҳарбий-денгиз қисмларига ва артиллерия қисмларига зарба бериб, Халқ армиясининг жанубга силжиб бораётган қўшинларига мадад бермоқда.

ПХЕНЬЯН, 10 август. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги бугун кечкурун ахборот э'лон қилди. Ахборотда бундай дейилади:

Халқ армиясининг қисмлари барча фронтларда америка қўшинларига ва қўғирчоқ лисинманчи қўшинларга қарши шиддатли жангларни давом этдирдилар.

Халқ армиясининг Ийсон (Гидзэо) ва Гунъи (Гун И)ни озод қилган қисмлари ҳужумни давом этдирмоқдалар ва қарши ҳужумга ўтиш учун уринаётган душманга зарба бермоқдалар.

Душманнинг Сеул дивизияси деб аталган дивизиясини тор-мор келтирган Халқ армияси қўшинлари шарқий қирғоқ районида ҳужумни давом этдирмоқдалар.

ҚУРИЯДАГИ УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

ЛОНДОН, 10 август. (ТАСС). Рейтер агентлигининг Қурияда генерал Макартур штаби ҳузурида бўлган мухбири қуйидагиларни билдиради: 1-нчи америка отлиқ (мотомеханикалаштирилган) дивизиясининг қисмлари бугун Егвань (Икан)дан жанубда Нактонган (Ракуто-Ко) дар'ёсининг шарқий қирғоғида Шимолий Қурия қўшинларининг дар'ё бўйидаги истеҳкомларига қарши атака бошладилар. Америкалилар Егваньдан шимол томонда ҳам Шимолий Қурия қўшинларининг истеҳкомларига атака қилдилар.

Шимолий фронтда Шимолий Қурия қўшинлари бугун эрта блан Хохан (Хокодо)дан 7 миля ғарбдаги Киджи шаҳрини ишғол қилдилар.

АМЕРИКА АВИАЦИЯСИ ШИМОЛИЙ ҚУРИЯНИНГ ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРИНИ ВАҲШИЙЛАРЧА БОМБАРДИМОН ҚИЛМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 10 август. (ТАСС). Америка авиацияси Шимолий Қурияннинг шаҳар ва қишлоқларини ваҳшийларча, шафқатсизлик блан бомбардимон қилиб, тинч аҳолини — кексалар, хотин-қизлар ва болаларни ўлдирмоқда.

«Дейли компас» газетасининг мухбири Мартин, америкаининг реактив қирувчи аэропланлари ҳарқуни қишлоқларга ҳужум қилиб, ер блан яксон этмоқдалар, деб ёзади. Йўл кўрсатувчи аэропланлардан бири ҳужум қилган пайтда қатнашган Мартин қаттиқ бомбардимон остида қолган камида 10 қишлоқнинг ёнаётганлигини кўрган. Мартин ёзади: «биз аэропланда анча пастликка тушганимизда, неча юзлаб жойда пайдо бўлган ёнғинларнинг бурқсиган тутунлари думоғимизга урди». Шундан кейин, аэропланлар Пельчон қишлоғига қараб йўл олганлар ва «бу қишлоқдан нималар қолганлигини ўз кўзимиз блан кўрдик. Қишлоқнинг камида ярми хароб қилинган эди. Шунда ҳам 15 ёки 20 уй ҳали ҳам ёниб турар эди».

«ҚУРИЯДАН ҚЎЛИНГНИ ТОРТ!»

БЕРЛИН, 10 август. (ТАСС). АДН агентлиги Эмдендан (Германиядаги инглиз оккупация доираси) билдиради: Илгари америка пароходига ёлланиб ишлаб келган эмденли кўп матрослар бу пароходнинг Қурияга жўнашини билганларидан кейин, Гамбургдан Эмденга қайтиб келдилар. Улар «Уруш жонимизга тегди» дедилар.

ТОКИОДА ҚУРИЯЛИЛАР ДЕМОКРАТИК ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ АМЕРИКА АГРЕССИЯСИГА ҚАРШИ НОРОЗИЛИК БИЛДИРДИ

ШАНХАЙ, 10 август. (ТАСС). Япониядаги Ренго Цусин агентлиги билдиради: Токиода қуриялилар демократик ташкилотларининг конференцияси бўлиб ўтди. Бу конференцияда мазкур ташкилотлардан 250 вакил қатнашди. Конференцияда Токио районининг қуриялилар демократик фронти тузилди.

Конференция қатнашчилари тинчликни ҳимоя қилиш йўлида актив кураш олиб бориш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Конференцияда Қуриядаги америка агрессиясини тўхтатишни талаб этган резолюция ҳам қабул қилинди.

ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АҲОЛИСИ ФРОНТГА ЁРДАМ БЕРМОҚДА

ПРАГА, 10 август. (ТАСС). Телепресс агентлигининг мухбири Рангундан билдиради: Вьетнам ахборот агентлигининг хабар беришича, ҳозирги вақтда Вьетнамда «Қат'ий ҳужумни тезлатиш фонди»га маблағ тўпланмоқда. Июнь ойининг охирида фақат икки кун ичидагина Ан-Тань аҳолиси (Марказий Вьетнамдаги Бинь-Динь вилояти) бу фондга бир ярим миллион пиастр пул топширди. Аҳолининг ҳамма табақалари ҳукуматнинг маблағ тўплаш тўғрисидаги чақиригини қувватладилар. Фу-Иен вилоятида «Қат'ий ҳужумни тезлатиш фонди»га 36.000 пиастрдан ортиқ маблағ, шунингдек 336 килограмм мис топширилди.

Японияда полициянинг ўзбошимчалиги тўхтатилсин

Япониядаги «Ишчи-деҳқонлар ёрдами уюшмаси»нинг дун'ёдаги барча ҳурриятпарвар халқларга мурожаати

ПЕКИН, 10 август. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беради: Япониядаги «Ишчи-деҳқонлар ёрдам уюшмаси» марказий комитетининг раиси Тацуи Фусе Япониядаги ўзбошимча судларни тўхтатишга чақириб мурожаат қилди.

Мурожаатга «Япониянинг суд ма'мурлари Митакадаги поезд ҳалокатида айбланган кишиларга ўлим жазоси ва бошқа оғир жазолар берилишини талаб қилмоқдалар, биз бутун дун'ёдаги ҳурриятпарвар ва сулҳпарвар халқларни ана шундай жазолар берилишига қарши норозилик билдиришга чақирамиз» деб сарлавҳа қўйилган.

«Қадрдон ўртоқлар, — дейилади мурожаатда, — Япониядаги ташқи ва ички реакция кучлари Японияни мустақиллик ва озодликдан маҳрум этмоқчи ҳамда урушга тортмоқчи бўладилар. Маслаҳатчилар палатасига бўлган сайлов урушни қувватловчи реакция фронти блан тинчлик учун курашучи демократия фронти ўртасидаги кураш вазиятида ўтди. Ана шу сайлов олдидан реакция кучлари демократияга қарши ҳужумни янада кучайтирдилар.

30 майда ватанпарварлик руҳидаги ишчилар ва студентлардан саккиз киши намойишда қатнашганликлари учун қамоққа олинди. Бу намойиш шаҳар транспорти ишчилари касаба союзи а'зоси Киндзиро Хасимотонинг ўлдирилганлигига бир йил тўлиши муносабати блан ўтказилган эди (Хасимото 1949 йил май ойида Токио ишчиларининг намойиши вақтида полиция томонидан ўлдирилган эди. — **Редакция**). Шундан кейин мазкур саккиз ишчи ва студентнинг қамоққа олинишига қарши генерал Макартурга норозилик мактуби ёзганликлари учун яна 30 киши қамоққа олинди.

2 июньда пойтахт полициясининг бош инспектори Токиода йиғилиш ва намойишлар ўтказишни тақиқлаб буйруқ чиқарди (16 июньдан бошлаб бу буйруқ бутун мамлакатга жорий қилинди). 6 июньда Япония коммунистлар партияси Марказий комитетининг 24 а'зоси, эртаси куни эса Япония коммунистлар партияси марказий органи бўлган «Акахата» газетасининг 17 ходими мамлакатнинг жамоат ҳаётида иштирок қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Мамлакатда сиёсий эркинликларга қарши ҳужум бораётган бир вақтда Япония ҳукумати аҳолидан солиқ олиш кампаниясини кучайтирди. капиталистлар эса ҳаддидан ошиб кетиб, ишчиларнинг иш ҳақини камайтирдилар.

Жазо чоралари ана шундай кучайиб кетган бир пайтда Иосида бошлиқ хоин фашист ҳукуматнинг суд ма'мурлари «Митака иши» бўйича айбланувчиларга ўлим жазоси ва бошқа оғир жазолар берилишини талаб қилиб чиқдилар. Ҳақиқатда эса Митакадаги можара ма'мурлар томонидан тўқилган баҳона эди. Бу можара Япония коммунистларини ва тараққийпарвар касаба союзлари а'золарини яккалаб қўйиш учун, шунингдек давлат темир йўлларидаги ишчиларни ҳамда почта ва телеграф ходимларини қўплаб ишдан бўшатиш учун уюштирилди. Ма'мурлар афкор оммада коммунистлар ва тараққийпарвар касаба союзларининг а'золари террорчилар экан деган таассуротни қолдиришга уриндилар. Бу сохта суд халққа қарши ҳозирги жазо чораларини кучайтириш учун баҳона бўлди.

Суднинг «Митака иши» юзасидан ўтган йили ноябрь ойида бўлган 51-нчи сессияси поездининг қасддан қилинган ҳаракати натижасида ёки тасодифий равишда издан чиққанлигини аниқлай олмаган бўлса ҳам, айбдорларнинг бегуноҳ эканлиги аниқланган бўлса ҳам, Япония демократик кучларининг жалловди прокурор Кацута уч айбдорга ўлим жазоси ва бошқа икки айбдорга умрбод қамоқ жазоси берилишини талаб қилди, шунингдек икки айбдорни 15 йил, икки айбдорни 12 йил ва икки айбдорни 8 йил қамоқ жазосига ҳукм қилишни талаб этди.

Ички ва ташқи реакция кучлари Потсдам декларациясини ва Япония конституциясини тўғридан-тўғри бузиб, Япониядаги демократик кучларнинг сиёсий эркинликларини тугатаётган бир пайтда Японияннинг суд ма'мурлари жиноий ишлар тўғрисидаги қонунлар кодексини бузмоқдалар ва бегуноҳ ишчиларни улардан зўрлаб қўл қўйдирилган протокол асосида каторгага юбормоқчи бўладилар.

Америка ишчиларидан бегуноҳ Сакко ва Ванцетти электр стулда жазоланишдан деб ҳукм чиқарилган вақтда бутун дун'ёдаги демократик кучлар бунга қарши чиққан эдилар. Лекин демократик кучларнинг норозилигига қарамай, мазкур ҳар иккала ишчи электр стулда жазолаб ўлдирилган эди.

Япон ишчилари ҳам ана шундай хавф олдида турибтилар. Бунинг сабаби шуки, улар тинчлик, озодлик ва мустақиллик учун фидокорона курашдилар. Ана шунинг учун қонҳўр душманлар уларни ўлдиришни талаб қилмоқдалар.

Бутун дун'ёдаги тинчлик ва озодлик тарафдорлари! Япония суд ма'мурларининг бегуноҳ ишчиларни қатл қилиш тўғрисидаги талаби инсон ҳаётининг қадрини билган, тинчлик ва озодликни севган ҳамма халқларга қарши қаратилгандир. Бу мудҳиш талаб сизларни ғазаблантиради, албатта.

Ишчи-деҳқонлар ёрдам уюшмаси япон ишчилари ўртасида норозилик ҳаракати бошлашга қарор қилди ва бошқа ҳурриятпарвар ҳамда сулҳпарвар халқларни бутун дун'ёда кенг норозилик кампаниясини бошлаб юборишга чақиради.

Биз сизларни бу ҳақда касаба союзларингизга, оммавий ташкилотларингизга ёки ўз ташкилотларингизнинг газеталарига ма'лум қилишга чақирамиз ва Иосида ҳукуматига норозилик телеграммалари юбориб 12 айбдорни оқлашни ва озод қилишни талаб этишингизни сўраймиз. Суд ҳукми август ойининг ўрталарида чиқарилади, шунинг учун тезроқ ҳаракат қилишингиз мувофиқдир.

Бутун мамлакатнинг демократик кучлари айбдорларнинг оилаларига ёрдам кўрсатишингизни ҳам истайдилар.

Қардошлик саломи блан Ишчи-деҳқонлар ёрдам уюшмаси марказий комитетининг раиси Тацуи Фусе».



Самарқандаги Ўзбекистон Давлат университетига бу йил мингдан ортиқ йигит ва қиз ўқишга киради. **Суратда:** университетнинг бўлажак студентлари Пойарқ районидаги 25-нчи ўрта мактабни тамомлаб чиққан **П. Ботирова** ва **М. Галоева** ўртоқлар кириш имтиҳонларига тайёрланмоқдалар. **А. Кузьменко** фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЧЕХОСЛОВАКИЯ ДЕҲҚОНЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ А'ЗОЛАРИНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ҚИЛГАН САФАРЛАРИ ҲАҚИДА ЎЗГАНЛАРИ

ПРАГА, 10 август. (ТАСС). Яқинда СССРга бориб келган чехословак деҳқонлари Совет Иттифоқига қилган сафарлари тўғрисида Чехословакия газеталарида ўз таассуротларини ёзмоқдалар.

Стритеже қишлоғи бирлашган қишлоқ хўжалик кооперативининг раиси Василь Совет Иттифоқида колхоз ва машина-трактор станцияларининг иши блан танишиб ортдирган катта тажрибасидан ўз қишлоғидаги бирлашган қишлоқ хўжалик кооперативининг ишида кенг фойдаланажагини ёзади.

Чехословак деҳқонлари делегациясининг а'зоси Башкова (Липа бирлашган қишлоқ кооперативи) бундай дейди: «Совет Иттифоқида кўрганларимиз биз ўйлаганлардан ошиб кетди. Совет ишчилари ва деҳқонлари ғоят катта тинч меҳнат блан шуғулланмоқдалар. Биз совет кишилари қилаётган ишларнинг улуғворлигини ва гўзаллигини ўз кўзимиз блан кўрдик. Совет кишилари биз учун намуна бўлиб, халқимизга янги ҳаёт йўлини кўрсатади».

Френштат районининг Женклава қишлоғидаги бирлашган қишлоқ хўжалик кооперативининг раиси Франтишек Магнушек ҳам Совет Иттифоқига қилган сафари тўғрисида фахрланиб ёзмоқда. Совет чегарасидан ўтишимиз блановқ,— деб ёзади Магнушек,—кўп олдимизда хосилдор совет далалари намоён бўлди. Бу далаларда совет колхозчилари қувана-қувана меҳнат қилмоқдалар. Москва шаҳри бизда унутилмас таассурот қолдирди. Биз Киров номли колхозда Совет кишиларининг зўр қувонч блан меҳнат қилаётганликларини, уларнинг бахтли ҳаётларини ўз кўзимиз блан кўрдик. Мен Совет Иттифоқида бўлиш ва ундаги турмушни ўз кўзим блан кўриш шарафига муяссар бўлдим, ҳаммага ҳам шу бахтни истардим.

Ўзбекистон спартакиадаси тамом бўлди

Республика физкультурачиларининг беш кун давом этган спартакиадаси 10 августда тугади. Шу муносабат блан «Спартак» стадионида катта тантана бўлди. Стадионнинг футбол майдонида Тошкент шаҳри блан Тошкент область командалари ўртасида футбол ўйини бўлиб ўтди. Бу ўйин қайси командаларнинг биринчи ўринни олишини белгилаб берар эди. Ҳар икки томон ҳам ғайрат ва ташаббус блан ўйнади. Тошкент шаҳар футболчилари қарши томон дарвозасига бир марта тўп киритиб ғолиб чиқдилар.

Футбол ўйинидан сўнг кўмкўк майдонда спартакиада қатнашчилари сафтортдилар. Спартакиада бош судьясининг ўринбосари ўртоқ Н. Сипягин мусобақа якунлари ҳақида гапирди. Республика физкультура ва спорт ишлари комитетининг раиси ўртоқ Исмоилов Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг топшируви блан мувофиқ, спартакиада голибларига мукофотлар берди. Мусобақада биринчи ўринни олган Тошкент шаҳар командаси биринчи даражали диплом ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма мукофоти блан тақдирланди. Спартакиадада иккинчи ўринни олган Самарқанд область физкультурачилари иккинчи даражали диплом ва учинчи ўринни олган Фарғона область коллективи учинчи даражали диплом блан мукофотландилар.

Енгил атлетика, велосипед пойгаси, оғир атлетика, классик курашлар, сузиш, спорт гимнастикаси ва футбол мусобақаларида ғолиб чиққан Тошкент шаҳар командасига кўчма мукофотлар берилди. 1, 2, ва 3-нчи ўринларни олган спортчилар қимматбаҳо нарсалар ҳамда республика физкультура ва спорт ишлари комитетининг дипломлари блан мукофотландилар.

Спартакиада қатнашчилари қаттиқ қарсаклар остида ўртоқ И. В. Сталинга мактуб қабул қилдилар.

Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Давлат гимнларининг қудратли садолари остида Ўзбекистон спортчиларининг VI спартакиадаси тамом бўлди.

РАЙОН МАРКАЗИДА ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Фарғона область, Бағдод район партия комитети район марказида 3 ердя Ҳурмат тахтаси ташкил этди. Витринага юқоритнерчилар ҳаракатига қўшилган илғор бригада ва звено бошлиқларининг катта расмлари ҳам қўйилган. Булар орасида Ленин номли колхознинг юқоритнерчи звено бошлиғи Пўлат Гадойбоев, «Сталинград» колхозининг юқоритнерчи звено бошлиғи Фотима Йўлдошеваларнинг расмлари бор.

М. ШАРИПОВ.

Мас'ул муҳаррир ўринбосари Б. РАҲМОНОВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Пушкин номли парк) — 12 августда **Олтинкўл.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — Р. **Камол номидаги Татар давлат Академик театрининг гастролълари** — 12 августда **Шумли кунлар,** 13 августда **Шамсиқамар.** Спектакль кеч соат 8 яримда бошланади. Касса соат 2 дан очилади.

«РОДИНА» — кундуз **Хўжа Насриддин,** кечқурун **Лўлилар баронн.**

«ВАТАН» — **Хўжа Насриддин.**

НАВОИЙ» (қишки) — кундуз **Қимматли донлар,** кечқурун **Дубровский.**

«НАВОИЙ» (ёзги) — **Қал'адаги ҳаёт.**

«9-НЧИ МАЙ»—**Кубань казаклари.**

«ИСКРА» (қишки) — 2-нчи залда **Икки жангчи,** бошқа залларда **Машенька.**

«ИСКРА» (ёзги) — **Сўнгги раунд.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз **Хитой қизлари,** кечқурун **Бизнинг юрагимиз.**

«ХЕВА» — **Осмон секинюрари.**

«ШАРҚ» — **Алитет тоққа чиқиб кетади.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — **Анна Сабо.**

«УДАРНИК» — рангдор фильм **Уч учрашув.**

ТОШКЕНТ КОНСЕРВА ЗАВОДИГА

цехлар учун ишчилар (хотин-қизлар), **кочегарлар** ва **кочегар ёрдамчилари, кўмир ташучилар, юкчилар**

КЕРАК

Луначарское шоссе, 59-нчи уйда заводнинг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Свердлов номли концерт залида 12 ва 13 августда

Қирғизистон ССР давлат халқ хорининг ГАСТРОЛЬЛАРИ

(50 кишидан иборат)

Қатнашадилар: Қирғизистон ССР халқ артисти **Сайра Князбоева,** республикада хизмат кўрсатган артист **Мисқал Умурқанова,** демократик ёшларнинг Прагадаги Халқаро фестивали қатнашчиси **Назира Тойгомбоева** (лирик-колоратур сопрано), Ленин орденли Қирғизистон опера ва балет театрининг солистлари **Эркин Мигенилова, И. А. Кабеков** ва бошқалар.

Программани **Темирбеков** олиб боради.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар ҳозирдан сотилмоқда (ҳар куни кундуз соат 2 дан). Коллектив заявкалар қабул қилинади.

Янгийўлдаги қанд заводининг автобазасига

юк машиналарида ишлаш учун **шоферлар,** 5—6 разрядли **автослесарьлар** ва **дурадгорлар,**